БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 65 (296)
2 АПРЕЛЬ ШАНБА 1955 ЙИЛ
ВАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Тинчлик иши — ҳақ иш, у ғалаба қозонади! Областимиз меҳнаткашлари Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига ҳамжиҳатлик блан имзо чекмоқдалар (1-нчи бет).

Украина ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси. СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ **К. Е. Ворошилов** нутқи. Меҳнаткашлар депутатлари Киев шаҳар Советининг сессиясида Киев шаҳрига Ленин ордени топширилди. СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ **К. Е. Ворошиловнинг** Киев шаҳрига Ленин ордени топшириш вақтида сўзлаган нутқи (2-нчи бет).

Индонезиянинг кўзга кўринган жамоат арбоби профессор Прийонога Халқаро Сталин мукофоти топширилди (2-нчи бет).

Барча экиш агрегатларининг унумли ишлашига эришайлик! (3-нчи бет).

Т. Орипов. — Келес маҳсивини мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб берадиган базага айлантирайлик (3-нчи бет).

СССР Олий Совети делегацияси Тиранага келди (4-нчи бет).

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бутун дун'ё меҳнаткашларига Мурожаати (4-нчи бет).

Оддий америкалилар Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қарши чиқмоқдалар (4-нчи бет).

Бутун куч ва воситалар чигитни тез ва сифатли экишга сафарбар этилсин

Областимизнинг колхоз, совхоз далаларида ва машина-трактор станцияларида экиш кампаниясининг өнг қизғин ва мас'улиятли даври бошланди. 1955 йил планининг бажарилиш тақдири мана шу кунларда ҳал қилинади. 1955 йил областимиз пахтачилигида кескин бурилиш йили, агротехникада революция ҳисобланган илғор прогрессив методларни кенг қўлланиш ва шу асосда совет пахтачилигини янада ривожлантириш учун янги истиқбол очиш йили бўлиши керак. Бу йил пахта тайёрлаш давлат планини бажармайдиган биронта ҳам колхоз ва совхоз, биронта ҳам бригада ва звено бўлмаслиги лозим.

Тошкент области пахтачиликни кескин равишда ривожлантириш учун ҳамма имкониятларга, етарли даражада ишчи кучи ва моддий-техника воситаларига эга. Бунинг устига бу йилги баҳорнинг ҳаржиҳатдан қулай келиши областимизнинг ҳамма район ва совхозларида ерни экишга яхши тайёрлаш ва чигит экишни қисқа муддатда юқори сифатли ўтказиш имкониятини беради. Бу имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланиб, фурсатни қўлдан бермай ишлаётган илғорлар чигит экишда яхши натижаларга эришмоқдалар, экиш кампанияси даврида ўзининг фидокорона меҳнати блан танилган, кундалик чигит экиш нормасини ошириб бажараётган янги илғор кишилар пайдо бўлмоқда.

Октябрь районидаги янгидан ташкил этилган Молотов номли колхозда иш тўғри ташкил этилганидан бир кунда 30—35 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилмоқда. Ҳарбир экиш агрегатининг иш унуми 7—8 гектардан кам бўлмаётир. Колхознинг Жуман Отончаев бошлиқ бригада а'золари 45 гектар, Алибек Маликов бошлиқ бригада а'золари 58 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экиб бўлдилар.

Қўшни Сталин номли колхозда ҳам квадрат-уялаб чигит экиш сифатли ўтказилмоқда. Колхозчилар ва механизаторлар чигитни қисқа муддатда, сифатли экиб олиш учун ҳозирги мас'улиятли пайтнинг ҳар куни, ҳар соатидан тўла ва унумли фойдаланмоқдалар, ҳамкорликда ишлаб, сур'атни тобора оширмоқдалар. Бу колхозда ишлаётган ўртоқ Маннон Ғаффоров бошлиқ экиш агрегатининг барча а'золари ўз иш малакаларини такомиллаштириш асосида кунлик нормани 150—170 процентга етказиб бажармоқдалар. Чигит аниқ белгиланган квадратлардаги уяларга экилмоқда.

Оққўрғон районининг колхозлари сўнгги кунларда экиш сур'атини бирмунча жадаллаштирдилар. Районда чигит экиш агрегатларининг иши анча дуруст ташкил этилган. «Ленинобод» колхозида ишлаётган ўртоқ А. Раҳмонов бошлиқ экиш агрегатининг а'золари кунига 6—7 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экмоқдалар ва экишнинг юқори сифатли бўлишини та'минламоқдалар.

Лекин, умуман олганда область колхоз ва совхозларида чигит экиш ҳаддан ташқари суст бормоқда. Чигит экиш учун энг қулай агротехника муддатлари ўтиб кетаётганлигига қарамасдан, 31 мартгача экиш плани область бўйича фақат 21,7 процент бажарилган. Мирзачўл, Чиноз, Сирдар'ё, Верхне-волинск, Бўка ва Бекобод районлари чигит экишда айниқса орқада қолмоқдалар. Бу районларнинг партия, совет ташкилотлари раҳбарлари, МТС директорлари, колхоз правлениелари ишни ташкил қилишда, мавжуд ишчи кучлари ва техника воситаларини чигит экишга тўла сафарбар этишда ниҳоятда сусткашлик кўрсатмоқдалар.

Гулистон районидаги кўпчилик колхозларда экишнинг сифатига етарли э'тибор берилмаётир. Агрономлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва МТС ходимлари чигитнинг агротехника қоидаларига мувофиқ сифатли экилишини қаттиқ талаб қилмаётирлар. Натижада чигит юза, ба'зан эса катор оралари гоҳ тор, гоҳ кенг қилиб экилмоқда, квадрат бузилмоқда. Бундай воқиалар айниқса 1-нчи МТС зонасидаги колхозларда тез-тез содир бўлмоқда. Лекин, райкомнинг МТС зонасидаги секретари Фозилов, МТСнинг бош агрономи Юсуфхўжаев ўртоқлар сон орқасидан қувиб, сифатни унутаётган ба'зи колхоз раисларининг ҳатти-ҳаракатларига кескин зарба бермаётирлар. Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг (бошлиғи ўртоқ Молчанов, ўринбосарлари Иброҳимов ва Берсудский ўртоқлар) ходимлари ҳам чигит экиш ишларига етарли равишда оператив раҳбарлик қилмаётирлар ва практика талаб қилаётган кундалик масалаларни ўз вақтида ҳал қилиб бермаётирлар.

Чигит экишга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда юз берган нуқсонларни, мусобақадош Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аниқлаган барча камчиликларни тезда бартараф қилиб, ишда кескин бурилиш ясаш, экишнинг сур'атини ошириб, сифатини яхшилаш—шу куннинг жанговар вазифасидир. Ҳозирги вақтда областимизнинг барча партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва бутун пахтакорларимиз учун кўкламги экиш кампаниясини муваффақиятли ва юқори сифатли қилиб қисқа муддатда ўтказишдан кўра фахрлироқ ва муҳим вазифа бўлиши мумкин эмас.

Кўкламги экишнинг муваффақиятини механизация воситаларидан, мавжуд ишчи кучларидан тўғри ва унумли фойдаланиш, экиш агрегатларининг тўхтовсиз ва самарали ишлаши ҳал қилади. Шунинг учун МТС директорлари ва бош инженерлари ҳамда колхоз правлениелари «универсал» ва сеялкаларнинг унумли ишлашларини та'минлашлари, универсалчи ва сеялкачиларга қулай маданий-маиший шароит яратиб беришлари керак. Колхозчилар блан механизаторларнинг кундалик нормани ошириб бажариш учун ўзаро социалистик мусобақасини кенг авж олдириб юбориш, илғорлар тажрибасини оммалаштириб, уларни рағбатлантириб туриш зарур. Колхозчилар ва механизаторлар чигитни қисқа муддатда юксак агротехника қоидалари асосида экиб олиш учун бошланган курашга тўла сафарбар этилиши керак.

Чигитни белгиланган вақтда юқори сифатли қилиб экиб олиш мўл ҳосил гаровидир. Шунинг учун бу масалага алоҳида э'тибор берилиши керак. Агрономлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатиб, чигит экишни сифатли ўтказишда колхоз правлениеларига ҳқиндан ёрдам беришлари лозим.

Экишни ўз вақтида ўтказиш учун уруғлик чигитларни тайёрлаш, уларни агротехника қоидаларига мувофиқ дорилаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Уруғлик чигитларни ташиб олиш ва уни экишга тайёрлаш ишидаги камчиликларни тезда тугатиш керак.

Бу йилги об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ерни экишга тайёрлаш ва ишлашга алоҳида э'тибор бериб, экилган чигитнинг ернинг нами блан биртекисда ва бақувват бўлиб униб чиқишини та'минлаш гоят муҳим вазифадир. Шунга эришиш керакки, чигит экиш ўтган йилдагига қараганда анча барвақт тугаллансин, чигитни қисқа муддатда ва юқори сифатли қилиб экиб олайлик. Ғўза тупларининг қалинлиги планда кўрсатилган миқдорда бўлиши та'минлансин, чигитнинг кам экилишига ва ғўзанинг сийрак бўлиб қолишига мутлақо йўл қўйилмасин. Ғўза тупларининг сийрак жойларини тўлдириш учун чиринди тувакчаларда ғўза кўчатлари ўстириш кенг қўлланилсин.

Бу йил областимизда катта майдонларда чигитни квадрат-уялаб ва торқаторлаб экиш, ғўза катор оралари узунасига ва кўндалангига ишлаш кенг жорий қилинмоқда. Колхоз ва совхозлар квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан берилган топшириқни ҳарқандай шароитда бўлса ҳам сўзсиз бажаришга мажбурдирлар. Давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим ишни ҳархил сабаблар блан орқага судровчи кишиларнинг фаолияти қаттиқ қораланиши керак.

Барча моддий-техника воситалари ва ишчи кучларини сафарбар қилиб, чигит экишни қисқа муддатда юқори сифатли ўтказишга эришайлик!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ёзучи В. Ф. Пановани Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Бадиий адабиёт соҳасидаги хизматлари учун туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати блан ёзучи Вера Фёдоровна **Панова Меҳнат Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1955 йил 31 март.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 5—9 бола туғиб тарбиялаб ўстирган оналардан 508 кишини меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг тақдимига мувофиқ, СССР Олий Совети Президиуми номидан ССР Иттифоқи орден ва медальлари блан мукофотлади.

110 она I, II, III даражали «Оналик шуҳрати» ордени блан ва 398 она I ва II даражали «Оналик медали» медали блан мукофотланди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ V ЧАҚИРИҚ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига ма'лум қиладики, шу йил 4 апрель душанба куни кеч соат 5да Тошкент шаҳар Советининг бешинчи чақириқ иккинчи сессияси бўлади. Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар зали (Ҳукумат уйи)да очилади. Депутатлар соат 4 дан бошлаб шу ернинг ўзида рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

Тинчлик иши—ҳақ иш, у ғалаба қозонади!

Областимиз меҳнаткашлари Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига ҳамжиҳатлик блан имзо чекмоқдалар

☆

Атом уруши тақиқлансин!

Тошкентдаги Каганович номли паровозвагон ремонт заводининг кўпминг кишилик коллективи Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатини тинчлик учун кураш программаси деб қабул қилди. 1 апрельда тушки танаффус вақтида корхонанинг неча юзлаб ишчилари ва инженер-техник ходимлари паровоз цехи ёнидаги майдонга тўпландилар. Йиғилишни завод касаба союз комитети раисининг ўринбосари Н. Нестеренко очди. У, партия комитетининг секретари Г. Светленкога сўз берди.

— Империалистлар, — деди ўртоқ Светленко, — янги, қонли урушга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар ҳарбий базаларни вужудга келтирмоқдалар, ялпи қирғин куролларини кўпроқ ишлаб чиқармоқдалар. Аммо, халқлар урушни хоҳламайдилар. Соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси термоядро куролини тугатиш учун курашга отланмоқдалар. Улуғ Совет давлати ана шу курашга бошчилик қилмоқда. Коммунистик жамият қурмоқ учун мамлакатимизнинг меҳнаткашларига тинчлик керак. Шунинг учун ҳам биз урушга қаршимиз. Бизнинг вазифамиз — Совет давлати ҳалқ хўжалигининг асоси бўлган оғир саноатни янада ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишдан, бутун дун'ёда тинчлик таянчи бўлган социалистик Ватанимизнинг қудратини доим мустаҳкамлашдан иборат.

Инструментал цехининг токари Ю. Зайцев минбарга чиқади.

— Совет кишилари, — деди у, — тинч ижодий меҳнат блан шуғулланмоқдалар. Бизнинг бутун куч-ғайратимиз мамлакатнинг халқ хўжалигини янада яшнатишга, меҳнаткашларнинг фаровонлигини тўхтовсиз оширишга қаратилган. Биз бу йўлда жонбозлик блан меҳнат қилмоқдамиз. Мен бешйиллик планни муддатидан илгари бажардим ва 1957 йилнинг август ойи ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқармоқдаман. Мен Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатига зўр шодлик блан қўл қўяман ва бундан буён ҳам меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришаман.

Тошкентда 1917 йилда бўлиб ўтган революцион воқиаларнинг қатнашчиси, вагон цехининг мастери И. Веревкин сўз олади. У айтадики, совет ҳалқи эркинликни қон тўкиб қўлга киритди ва ҳечқачон капиталистларнинг қули бўлмайди. Совет Иттифоқи блан бир қаторда Хитой Халқ Республикаси, халқ демократияси мамлакатлари, бутун прогрессив инсоният тинчлик учун курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Тинчлик кучлари қуч сайин ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бу кучлар атом уруши олдини ёқучларнинг жиноий ниятларини сўзсиз барбод этадилар.

Механика-комплект цехининг бошлиғи В. Чирков, тендер цехининг мастери А. Анохина ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари ўз нутқларида совет кишиларининг тинчликни ҳимоя қилишга астойдил интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишдан кейин завод цехларида Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига имзо тўплашга киришилди. (ЎзТАГ).



Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатига имзо тўплаш. **Суратда:** Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг а'зоси, комсомол **Ойпошша Маҳматалиева** Мурожаатга қўл қўймоқда. **И. Душкин** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆

Машинасозлар тинчлик учун овоз бермоқдалар

Пўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводининг коллективи шу кунларда зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқда. Завод коллективи яқинда биринчи квартал ишлабчиқариш программасини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Пландан ташқари бирнеча компрессор ишлаб чиқарилди, шпал-пармалаш станоқлари ишлаб чиқариш юзасидан берилган йиллик топшириқ тўлиқ бажарилди, республиканинг қишлоқ хўжалиги учун культиваторларга 2.300 узел тайёрланди.

Биринчи апрельда тушки танаффус вақтида корхонада Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатига Совет Иттифоқида имзо тўплаш кампанияси бошланишига бағишланган умумий йиғилиш бўлди.

Партия бюросининг секретари Д. Ф. Коробовский биринчи бўлиб сўзга чиқди.

— Совет Иттифоқи, — деди у, — тинчлик мамлакатидир. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно ташқи сиёсати равшан ва аниқ сиёсатдир. Бу сиёсат тинчлик ва ҳалқлар ўртасида дўстлик ўрнатиш сиёсатидир. Бизнинг социалистик давлатимиз ўзининг бутун фаолияти блан тинчлик ва ҳалқлар хавфсизлиги тарафдори эканлигини исбот қилди ва исбот қилмоқда. Бугун Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси бошланди. Бу кампания совет кишиларининг пўлатдек мустаҳкам бирлигини, уларнинг тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қат'ий қарор берганликларини яна бир марта очиқ намойиш қилиб кўрсатади.

Ремонт-механика цехининг ишчиси Ким'ё Мўминова қизғин нутқ сўзлайди.

— Мен оддий ўзбек аёлиман. Улуғ Ватанимиздаги барча хотин-қизлар каби мен ҳам, — деди у, — урушга қаршиман, чунки уруш кишиларни сон-саноқсиз кулфат ва азобларга дучор қилади. Мен буни ўз ҳаётимдан биламан. Менинг эрим Ватан уруши йилларида Ватанни ҳимоя қилиб, ўз жонини фидо қилди. Мен она сифатида ва ҳалоқ бўлган жангчининг хотини сифатида америкали-англияли янги уруш олдини ёқучиларга қарши қат'ий норозилик билдираман. Биз янада зўр ғайрат блан меҳнат қиламиз ва агрессорларнинг жиноий планларини барбод этамиз.

Чўян қуйиш цехининг участка мастери Умар Усмонов сўз олиб, қуйидагиларни айтади:

— Биз, машинасозлар, Совет Ватанимиз қудратининг негизи бўлган оғир индустрияни бутун чоралар блан ривожлантириш учун олиб борилаётган умумҳалқ курашида актив қатнашмоқдамиз. Ҳозирги вақтда корхонамизнинг ишчилари тинчлик вахтасида ишлайбошладилар. Биз Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига чеккан имзоларимизни пландан ташқари неча юзлаб машина ишлаб чиқариш блан мустаҳкамлаймиз.

Собиқ танкчи, ҳозирги вақтда механика цехининг токари бўлиб ишлаётган Леонид Коренцвит, кекса ишчи Евстафий Рибальченко, техник Иван Моисеев бирин-кетин минбарга чиқадилар. Уларнинг ҳаммаси америкали-англияли агрессорларнинг провокацион ишларига қарши қат'ий норозилик билдирдилар, барча мамлакатларда атом қуроли запасларини бутунлай йўқотишни талаб этдилар, севикли Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Корхона коллективи бир овоздан қабул қилинган резолюцияда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатини ма'қуллади ва меҳнаткашларнинг Биринчи Май байрамини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан нишонлаш мажбуриятини олди.

Йиғилишдан кейинқ Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига имзо тўплаш бошланди. Заводнинг бош конструктори Б. Ф. Тарутин, токарь А. Аҳмаджонова, слесарь А. Аҳматов ана шу жуда энг муҳим ҳужжатга биринчи бўлиб қўл қўядилар. Улар тинчлик учун, ҳалқлар бахти учун овоз бердилар. (ЎзТАГ).

☆

Тинчликни сақлаш—ҳалқларнинг муқаддас иши

Шу кунларда кўпмиллатли Совет давлатимиздаги барча ҳалқлар тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг чақириғини қизғин ма'қуллаб, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатига ҳамжиҳатлик блан ўз имзоларини чекмоқдалар. Бутун мамлакатимиздаги каби, бизнинг республикамизда ҳам меҳнаткашларнинг умумхалқ йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Республикамиз меҳнаткашлари тинчлик ишини қат'ият блан ҳимоя қилишга астойдил тайёр эканликларини яна бир бор намойиш қилмоқдалар.

Уруш оловини ёқучи империалистлар янги жаҳон урушини бошлаб, атом ва водород куролларини ишга солмоқчи бўладилар. Америкали-англияли империалистлар бизнинг буюк Ватанимизда, шунингдек улуғ Хитой ерида ва бошқа ҳалқ демократияси мамлакатларида тинч қурилиш ишларини тўхтатишни истайдилар, ҳалқлар бошига уруш кулфатини келтирмоқчи бўладилар. Лекин улар ҳалқ иродасини, социализм ва демократия лагерининг қуч-қудратини ҳисобга олмаётирлар. Бизнинг буюк Ватанимиз тинчликнинг қудратли қўрғонидир. Жаҳон ҳалқлари совет давлатининг тинчлик сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар ва тинчликнинг улуғ байроқдори Совет Иттифоқи ҳалқлари блан биргаликда тинчлик байроғи остига тўпланмоқдалар. Ҳалқлар умумий қирғин йўлларини изловчи уруш оловини ёқучи империалистларнинг ҳарқандай хуружларини, разил найрангларини барбод этишга, тинчлик ишини зўр қат'ият блан ҳимоя қилишга отланмоқдалар.

Шу кунларда республикамизнинг пахтакорлари, механизаторлари, саноат корхоналарининг ишчилари тинчлик вахтасида туриб ишламоқдалар. Улар тинчлик Мурожаатномасига имзо чекиш блан бирга, меҳнат унумини тобора ошириб, тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Биз сан'атчилар тинчлик куйчиларимиз. Ҳалқлар тинчлиги — репертуар программамиздир. Бизлар тинч ижодий меҳнат қилаётган ҳалқимизнинг бахтли, осойишта ва фаровон ҳаётини куйлаб келмоқдамиз. Биз сан'атчилар тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг чақириғини қизғин ма'қуллаб, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатига якдиллик блан имзо чекамиз.

Халима НОСИРОВА,
СССР ҳалқ артисти, Сталин мукофотининг лауреати.

Атомчи агрессорларнинг шум ниятлари барбод бўлади

Халқимизнинг «Тинчлик-омонлик бўлсин» деган жуда қимматли гапи бор.

Мен 25 йилдан бери почтальонлик қиламан. Бу иш ўзимга ҳам жуда ёқади. Менга топширилган участка анча катта. Бу маҳаллаларда турли миллат ва турли касбдаги кишилар яшайди. Уларнинг ҳаммасининг ҳам ягона мақсад блан—тинчлик йўлида, Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилаётганликларини ўз кўзим блан кўриб турибман.

Бу хонадонларнинг кўпчилиги бола-чақалик. Эрталаб ёки кечқурун хат ёки телеграмма, газета ёки журнал олиб кириб қолганингда ғам-ғусса нималигини билмаган, шод-хуррам болалар, «Амакижон, нима олиб келдингиз» деб атрофимни ўраб олишади. Мана шунинг ўзи тинчлик, мана шунинг ўзи омонлик, бахт демакдир.

Ёшим 70 га яқинлашаяпти. Революциядан аввал бир бурда нонга зор бўлиб юрган кунларимни ҳам, яқинда бўлиб ўтган урушнинг азоб-уқубатларини ҳам унутганим йўқ.

Урушнинг нима эканлигини ва у туфайли бошга тушадиган азоб-уқубатларни билган-кўрган кишининг бу жиноий йўлга кириши мумкинми, ахир?! Ҳеч-да!. Лекин совет ҳалқининг урушни ёмон кўрганлигини қўрқоқлик белгиси деб тушунадиган жаноблар жуда катта хато қиладилар.

Ҳалқлар атом уруши оловини ёқаётган империалист одамхўрларнинг ёвуз ниятларига қақшатгич зарба беришга ҳамиша тайёрдирлар.

Мен ҳам Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатини чин-кўнглимдан қувватлайман ва бу Мурожаатга биринчилар қаторида имзо чекаман.

Ж. ТОЖИЕВ,
Тошкент шаҳар 11-нчи алоқа бўлимининг орденли почтальони.

Атом энергияси тинчлик мақсадларига хизмат қилиши керак

Дун'ёдаги барча тинчликсевар ҳалқлар қайси миллатга, қайси сиёсий маслак ва э'тиқодларга мансуб бўлишидан қат'ий назар: «Йўқолсин уруш!», «Йўқолсин атом куроллари!» деб баралла айтмоқдалар. Бу оташин сўзларда тинчликсевар ҳалқларнинг бутун дун'ёда барқарор тинчликни сақлаб қолишга, инсониятни атом урушидан сақлаб қолишга бўлган интилишлари ва букилмас иродалари ёрқин ифодаланган-дир.

Бутун дун'ёдаги соф виждонли кишилар блан бирга совет ҳалқи ҳам немис вермахтини вужудга келтиришга қаршилик кўрсатмоқ, Германияни тинч йўл блан қайтадан бирлаштиришга эришмоқ ва Европада мустаҳкам коллектив хавфсизликни та'минламоқ учун изчиллик блан курашмоқда.

Ҳалқларнинг иродаси ва тинчликка бўлган хоҳиши блан ҳисоблашмаётган америка-инглиз атомбозлари шу кунларда зўр бериб куролланиш, дун'ё ҳалқларини яна ҳам даҳшатлироқ уруш гирдобига тортиш сиёсатини юргизмоқдалар. Улар бизнинг асримиз фанининг энг буюк ютуғи бўлган атом энергиясидан ялпи қирғин куроли сифатида фойдаланишга зўр бериб уринмоқдалар. Атом энергиясини кашф этган прогрессив олимлар илмий текшириш ишлари олиб бораётганларида ундан ялпи қирғин куроли сифатида эмас, балки инсониятнинг бахт-саодати ва фаровонлигини та'минлашни ҳамда уларнинг оғир меҳнатини енгиллатишни кўзда тутган эдилар.

Совет Иттифоқи тинчлик учун курашнинг авангарди бўлгани учун ҳам атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишнинг биринчи ташаббускори бўлди. Шу блан бирга совет олимлари атом энергиясини тинчлик мақсадларига ва инсониятнинг яйраб-яшнашига хизмат қилдириш мумкиндлигини бутун дун'ёга намойиш қилиб кўрсатдилар. Бизнинг мамлакатимизда атом энергиясидан фан ва ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланиш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. 1954 йил 27 июньда совет олимлари ва инженерлари томонидан дун'ёда ягона бўлган атом электростанциясининг ишга туширилиши энергетика тарихида янги даврнинг бошланиши бўлди. Совет олимлари атом энергияси блан ишловчи электростанциялардан ташқари, атом энергиясидан медицинада, сабзавот маҳсулотларини узоқ вақт сақлашда, илмий лабораторияларда уран қозонларидан чиқучи жуда арзон ва қулай радиатив изотоплардан фойдаланиб, ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Совет ҳукуматининг атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги қўлга киритилган бу илмий-техника тажрибаларини бошқа давлатларга ҳам беришга тайёр эканлиги ҳаммага аёндир. Бениҳоя кўп атом энергияси урушга эмас, тинчлик мақсадларига хизмат қилиши лозим ва албатта хизмат қилади. Тинчликдан гоят манфаатдор бўлган ҳалқлар, атом қуроли та'қиқлансин ва уни ишлабчиқариш тўхтатилсин, деб имзо чекмоқдалар. Атом урушини бошлаб юборишга интилаётган қора кучлар ҳалқларнинг тинчликка бўлган интилишни ва букилмас иродаси олдида чекинишга мажбурдирлар. Ҳалқлар бунга албатта эришадилар.

Мен ҳам мингларча совет олимлари қаторида атом энергиясидан қирғин куроли сифатида эмас, балки тинчлик мақсадларида фойдаланишни талаб қилиб, бутун дун'ёда узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик та'минлансин, деб имзо чекаман.

Тинчлик иши ҳақ иштир ва у албатта енгиб чиқади!

С. У. УМАРОВ.
Профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси.

Украина ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси

КИЕВ, 31 март. (ТАСС). Украина ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси бугун ўз ишини тамомлади.

Олий Совет Украина ССРнинг 1955 йилги Давлат бюджетини даромадлар бўйича 26.514.121 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 26.335.882 минг сўм миқдорида бир овоздан тасдиқлади.

Сессиясида Украина ССР Олий Советининг Президиуми сайланди ва Ҳукумат составини — Украина ССР Министрлар Совети тасдиқланди. Депутат Д. С. Коротченко Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди. Депутат Н. Т. Кальченко Украина ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тасдиқланди.

Сессиянинг бугун ўрталабки мажлисида Украина Совет Социалистик Республикасига ҳукуматнинг юксак мукофоти — Ленин ордени тантанали равишда топширилди. Украина Совет Социалистик Республикаси Украинанинг Россия блан қайтақўшилишининг 300 йиллигини нишонлаш муносабати блан, украин халқининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишда эришган катта муваффақиятлари учун Ленин ордени блан мукофотланган эди.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси Қ. Е. Ворошилов, Украина Коммунистик партияси ва республика ҳукуматининг раҳбарлари залда пайдо бўлганларида, депутатлар ва жуда кўп меҳмонлар уларни гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пеговга сўз берилади. Н. М. Пегов ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Украина Совет Социалистик Республикасиндаги Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида 1954 йил 22 майда чиқарган фармонини ўқиб беради.

Залда давомли қарсаклар бошланади. Ҳамма ўрнидан туради.

Украина ССР Олий Советининг Раиси депутат П. Г. Тичина, Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат А. И. Кириченко, Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат Д. С. Коротченко ва Украина ССР Министрлар Советининг раиси депутат Н. Т. Кальченко Ленин орденини ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси Қ. Е. Ворошиловдан қабул қилиб оладилар.

Сессия зали гумбазлари остида гулдурос қарсаклар янада зўр куч блан бошланиб кетади. Украин халқи сайлаган вакиллар, залда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммаси жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик ва чексиз муҳаббат ва садоқатларини изҳор қиладилар.

Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат А. И. Кириченкога сўз берилади. А. И. Кириченко айтадики, бутун украин халқи Совет Украинасини ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин ордени блан мукофотланиши тўғрисидаги ҳушхабарни эшитиб, бениҳоя қувонди. Украина шонли тарихий воқиаининг, я'ни Украинанинг Россия блан қайтақўшилишининг 300 йиллигини нишонлаш муносабати блан, украин халқининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишда эришган катта муваффақиятлари учун Ленин ордени блан мукофотланган эди.

Депутат ўртоқлар, Совет ҳукуматини, Коммунистик партиямизни, унинг Марказий Комитетини, Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитети Президиумини ишонтириб айтаманки, юксак мукофотлан илҳомланган украин халқи Коммунистик партиянинг голиб ва қудратли байроғини — марксизм-ленинизмнинг шонли байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб боради, ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлайди, бутун дун'ёда тинчлик таянчи бўлган социалистик давлатимизнинг қудратини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаши.

Украин халқи олий мукофот — Ленин орденини қабул қилиб олиш блан ўзининг жонажон Коммунистик партияси теварагига янада маҳкам жипслашаси, Партия ва Ҳукуматнинг мамлакатимизда коммунизм қуриш соҳасида белгилаган тарихий режаларини амалга ошириш учун янада зўр филокорлиқ ва қаҳрамонлик блан меҳнат қилади.

Сессияда гулдурос қарсаклар блан кутиб олинган ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Қ. Е. Ворошилов нутқ сўзлади. Ўртоқ Қ. Е. Ворошиловнинг нутқи зўр э'тибор блан тингланди ва кўп марта гулдурос қарсаклар блан бўлиниб турди.

— Совет халқларининг жиплиги, — деди ўртоқ Ворошилов, — уларнинг қардошларча бирдамлиги ва бир-бирларига бўлган самимий ҳурмати Украинанинг Россия блан қайтақўшилишининг 300 йиллиги байрам қилинган шонли кунларда жуда яққол кўринди. Ана шу тарихий воқиа мамлакатимизнинг ҳамма жойида рус ва украин халқларининг ва Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг қардошларча бирлигининг улуғ байрами сифатида, Коммунистик партия ленинча-сталинча миллий сиёсатининг тантанаси сифатида нишонланди.

Ўзимнинг зўр ишончимни, партиямиз Марказий Комитети ва Иттифоқ Ҳукуматининг ишончини изҳор қилиб айтаманки, меҳнатсевар украин халқи республикангиз олдида турган катта вазифаларни Совет Иттифоқи халқларининг дўстона оиласида шараф блан бажаради ва коммунизм қурувчиларнинг ҳамиша биринчи safларида бўлади.

Ўртоқлар! Партиямиз Марказий Комитети январь Пленумининг қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантиришни та'минлашга ва айниқса дон ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган қарорлари ҳаммангизга яхши ма'лум.

Бу ерда ана шу тўғрида батафсил гапиришим учун зарурат йўқ деб ўйлайман. Сизлар ўз вазифаларингизни яхши биласизлар, мўл ҳосил етиштиришда жуда катта тажрибангиз бор.

Украинада деҳқончилик ва чорвачиликнинг донгдор новатор кадрлари кўп. Бу новаторларнинг номлари республикангиздан бошқа жойларга ҳам ма'лум.

Бу ишда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувингизни тилашим блан чекланишга рухсат этгайсиз. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Ўзимнинг зўр ишончимни, партиямиз Марказий Комитетининг ва Иттифоқ Ҳукуматининг ишончини изҳор қилиб айтаманки, меҳнатсевар украин халқи республикангиз олдида турган катта вазифаларни Совет Иттифоқи халқларининг дўстона оиласида шараф блан бажаришда, коммунизм қурувчиларнинг ҳамиша биринчи safларида бўлади. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Совет халқи Ленин—Сталин улуғ байроғи остида галабадан-галабага бормоқда. Бизнинг Ватанимиз тобора гўзаллашиб, кучли бўлиб бормоқда. Совет кишиларининг ҳаёти тобора яхши ва қувончли бўлиб бормоқда. Бизнинг орзу қилган мақсадимиз яқин ва равшандир. Бу мақсад коммунизмдир. Ўртоқлар, сизлар блан биз, барча совет кишилари коммунизм ижодчиларидирмиз. (Қарсаклар).

Депутат ўртоқлар! Украина Совет Социалистик Республикаси Олий Советини ва у орқали Украинанинг шавкатли ва шонли халқини — барча хотин-қизларни, эркакларни, украин халқининг ажойиб ёшларини юксак мукофот блан яна бир марта чин кўнглимдан (қарсаклар) самимий қутлайман. (Давомли қарсаклар).

Яшасин қаҳрамон украин халқи! (Давомли қарсаклар).

Украин халқининг улуғ дўсти ва қардоши рус халқига шон-шарафлар бўлсин! (Гулдурос қарсаклар).

Яшасин совет Ватанидаги барча халқларнинг — коммунистик жамият қурувчиларнинг бузилмас дўстлиги! (Давомли қарсаклар).

Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз! (Давомли қарсаклар).

Яшасин Совет Иттифоқининг доно Коммунистик партияси ва унинг жанговар штаби — ленинча-сталинча Марказий Комитет! (Гулдурос, давомли қарсаклар оваciяга айланиб кетади. Ҳамма ўрнидан туради).

Меҳнаткашлар депутатлари Киев шаҳар Советининг сессиясида Киев шаҳрига Ленин ордени топширилди

КИЕВ, 31 март. (ТАСС). Меҳнаткашлар депутатлари Киев шаҳар Советининг навбатдаги сессияси бугун ўз ишини тамомлади. Сессия 1955 йилда Киев шаҳрида якка полизчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш тўғрисидаги масалани қараб чиқди.

Сессиянинг сўнгги мажлисида Киев шаҳрига тантанали суратда Ленин ордени топшириш маросими бўлди.

Совет Украинасининг пойтахти Украинанинг Россия блан қайтақўшилишининг шонли 300 йиллиги нишонланган кунларда шу юксак мукофот блан тақдирланган эди.

Шаҳар Советининг депутатлари, кўп меҳмонлар ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси ўртоқ **К. Е. Ворошиловнинг,** Украина Коммунистик партияси ва республика ҳукумати раҳбарларининг президиумда пайдо бўлишларини гулдурос, давомли қарсаклар блан кутиб оладилар.

Раислик қилучи — Украина ССР Архитектура академиясининг ҳақиқий а'зоси, шаҳарнинг бош архитектори ўртоқ А. В. Добровольский СССР Олий Совети Президиумининг секретари ўртоқ Н. М. Пеговга сўз беради. Н. М. Пегов СССР Олий Совети Президиумининг Киевни Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшитдиради. Залда яна гулдурос, давомли қарсаклар бошланади, ҳамма ўрнидан туради.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Қ. Е. Ворошилов Киев шаҳрига берилган олий мукофотни — Ленин орденини сессияда раислик қилучи ўртоқ А.В. Добровольскийга, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг раиси ўртоқ А. П. Давидовга ва Украина КП Киев шаҳар комитетининг секретари ўртоқ М. С. Синицага топширди.

Совет Украинасига ва унинг пойтахти— Киевга берилаётган гоят катта ёрдам учун улуғ Коммунистик партияга ва жонажон Совет ҳукуматига ташаккур ҳислари блан тўлиб-тошган депутатлар ва меҳмонларнинг ҳаммаси бирданига ўринларидан турадилар. Гулдурос овация бошланади.

Украина КП шаҳар комитетининг секретари ўртоқ М. С. Синица Киевга берилган юксак ҳукумат мукофоти учун СССР Олий Совети Президиумига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига Совет Украинасининг пойтахти меҳнаткашлари номидан самимий ташаккур изҳор қилади.

Ленин орденини қабул қилиб олиш блан, деди ўртоқ Синица, бутун украин халқи сингари Киев меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партияни ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтадиларки, улар улуғ рус халқи блан ва Ватанимиздаги барча халқлар блан қардошларча дўстликни бундан бўён ҳам тинмай мустаҳкамлайдилар, жонажон шаҳарни янада яшнатиш учун, Совет давлатининг куч-қудратини мустаҳкамлаш учун бутун кучларини сарф қиладилар.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **К. Е. Ворошилов** нутқ сўзлади. Сессия қатнашчилари ўртоқ Ворошиловни самимий кутиб олдилар.

Ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг нутқи зўр э'тибор блан тингланди ва гулдурос қарсаклар блан бирнеча марта бўлиниб турди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВ нутқи

Депутат ўртоқлар!

Сизларни, Украин халқи сайлаган вакилларни — Украина Республикаси Олий Совети депутатларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг ва Иттифоқ ҳукуматининг топширигига мувофиқ қизғин табриклайман. (Давомли қарсаклар).

Мен Украина Совет Социалистик Республикасига зўр хурсандчилик блан сиз орқали Ленин орденини топширдим. Украина Совет Социалистик Республикаси Украинанинг Россия блан қайтақўшилишининг 300 йиллигини нишонлаш юзасидан ва украин халқининг давлат, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган катта муваффақиятлари учун Ленин ордени блан мукофотланган эди.

Совет Украинасининг бепоён ерларида—Донбасс ва Днепр бўйидаги корхоналарда, Киев ва Волин областьларининг даштларида, Карпат тоғи этакларида, Полесьеда ва Қора денгиз қирғоқларида, хулас ҳамма жойда шонли Коммунистик партиямиз теварагига маҳкам жипслашган ва ўзининг улуғ социалистик Ватанига содиқ бўлган украин халқининг ижодий меҳнати булоқдек қайнаб тошмоқда.

Бутун совет юртидаги каби Украинада ҳам янги завод ва фабрикалар, шахталар, электростанциялар ва бошқа корхоналар қад кўтармоқда, транспорт ривожланмоқда, янги шаҳарлар барпо қилинмоқда.

Украинада колхоз, машина-трактор станциялари ва совхозлар янги, илғор техника блан та'минланиб, йил сайин мустаҳкамланмоқдалар, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Совет Украинаси меҳнаткашларининг моддий ва маданий фаровонлиги тўхтовсиз юксак даражага кўтарилмоқда. Украина совет давлати қудратининг ўсиб бораётганлиги, Украина экономикаси ва маданиятининг мавж уриб юксалаётганлиги совет давлат ва ижтимоий тузумининг улуғ кучини порлоқ суратда намойиш қилиб кўрсатади. Совет давлат ва ижтимоий тузуми ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг қудратли иттифоқига, социалистик Ватанимиздаги халқларнинг бузилмас дўстлигига асосланган.

Совет халқларининг жиплиги, уларнинг қардошларча бирдамлиги ва бир-бирларига бўлган самимий ҳурмати Украинанинг Россия блан қайтақўшилишининг 300 йиллиги байрам қилинган шонли кунларда жуда яққол кўринди. Ана шу тарихий воқиа мамлакатимизнинг ҳамма жойида рус ва украин халқларининг ва Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг қардошларча бирлигининг улуғ байрами сифатида, Коммунистик партия ленинча-сталинча миллий сиёсатининг тантанаси сифатида нишонланди. (Давомли қарсаклар).

Украинанинг Россия блан қайтақўшилиши гоят катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қайтақўшилиш Ватанимизнинг тарихий тақдирини белгилаб берди. Тил ва маданияти ва келиб чиқиши жиҳатидан яқин ва қон-қардош бўлган икки улуғ қардош халқ — украинлар, руслар абадий равишда ягона давлатга бирлашди.

Руслар ва украинлар ўзларининг кўп асрлик тарихи давомида қаттиқ кураш олиб бориб, ўзларининг жонажон юртларини душманларнинг жуда кўп галаларидан қаттиқ туриб сақлаб қолдилар. Бу душман қўшинлар эрксевар ана шу икки славян халқини ўт ва қилич ёрдами блан қул қилишга уринган эдилар. Поляк-шляхталар, турк-татарлар, шведлар ва бошқа ажнабий золимлар ўзларининг босқинчилик ниятларига эришаолмадилар. Аммо, улар Россия ва Украина халқларининг сабот-матонати, мардлиги ва зарбаларининг кучини амалда кўриб билдилар. (Қарсаклар).

Халқларимизнинг бузилмас дўстлиги ўз юртимизда бўлган золимларга — помешчик ва капиталистларга қарши, шафқатсиз чор самодержавиесига қарши курашда янада кўпроқ мустаҳкамланди ва чиниқди.

Улуғ Октябрь революциясининг галабаси украин халқига чинакам эркинлик ва миллий мустақиллик келтирди, экономика, маданият, фан ва san'атни мавж уриб юксалтирди.

Бутун украин халқининг асрлар бўйи орзу қилиб келган тилаги амалга ошди. Эндиликда украин халқи Европада энг йирик ва қудратли давлатлардан бири бўлган ягона Украин Совет Социалистик Республикасига бирлашди. (Давомли қарсаклар).

Украин халқи ўзининг содиқ дўсти ва қардоши рус халқи блан дўстликни мустаҳкам билиб сақлаб, рус халқи блан ва СССРдаги бошқа қардош халқлар блан биргаликда, қутурган герман фашист империализмига қарши Улуғ Ватан урушида қаҳрамонона жанглар ва ҳал қилучи шонли галабалар йўлини босиб ўтди.

Уруш орқасида Украинанинг кўп қурбон берганлигига ва кўп жойлари вайрон бўлганлигига қарамай, Украинанинг халқ хўжалиги урушдан кейинги йилларда катта ва жиддий муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар украин халқининг, барча ишчилар, колхозчилар, интеллигентларнинг зўр ғайрат блан қилган ижодий меҳнати натижаси, бутун Совет Иттифоқи халқларининг мустаҳкам ҳамкорлиги ва биргаликда қилаётган ҳаракатлари натижасидир.

Депутат ўртоқлар! Биз, ҳақиқатан ҳам ажойиб бўлган ана шу муваффақиятлар блан ҳақли суратда фахрланмоқдамиз. Аммо, афсуски, мураккаб халқаро вазиятда, янги жаҳон уруши хавфи юз берган вазиятда яшаётганимизни илгаригидек ҳозирда ҳам унутаолмаймиз ва буни эсда тутишимиз керак. Америка Қўшма Штатларидаги агрессив доиралар бошчилигидаги империалистлар ана шу уруш оловини ёқишга тинмай ва бутун чоралар блан уринмоқдалар. Ҳозирги вақтда империалистларнинг газеталари ва радиоси бу тўғрида тез-тез ва ошкора гапирибгина қолмай, балки гоят мас'улиятли лавозимлардаги давлат арбоблари ҳам шу тўғрида кўп гапирмоқдалар. Аммо, зўравонлик қилишдан иборат маш'ум сиёсатни юргизаётган ана шу жаноблларнинг ҳаммаси шуни эсда тутишлари керакки, алам блан қилинадиган бема'ни таҳдидлар социалистик лагерьдаги мамлакатларнинг улуғ бирлигига кўрқинчли эмас. Ўзининг тинч ишлари блан банд бўлган эркин халқларнинг қудратли Иттифоқи, керак бўлиб қолган тақдирда ҳозир илгаригидан ҳам яхшироқ тарзда ва шараф блан ўзини ҳимоя қилаолади. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Улуғ Хитой блан, халқ демократияси мамлакатлари блан, ер юзидаги барча соф виждонли кишилар блан маҳкам жипслашган қудратли Совет Иттифоқи тинчлик ишини ҳимоя қилиб келди ва бундан буён ҳам ақл ва иродасининг бутун кучи блан ҳимоя қилади, халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун, барча халқларнинг коллектив хавфсизлиги учун доим курашиб келмоқда ва бундан буён ҳам курашади.

Тинчлик йўлидаги кураш устун чиқажагига — тинчлик урушни енгажагига ишонамиз. (Давомли қарсаклар).

СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг барча давлатларни умумий тинчлик ва халқаро дўстликни мустаҳкамлашга чақирган Декларацияси янги урушнинг олдини олиш учун курашда жуда катта аҳамиятга эгадир. Бутун ер юзидаги кўпмиллионли оддий кишилар инсоният учун тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатларидаги барча масалалар қараб чиқилганлигини билдиради, Украина ССР Олий Советининг биринчи сессияси ёпиқ деб э'лон қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВнинг

Киев шаҳрига Ленин ордени топшириш вақтида сўзлаган нутқи

Депутат ўртоқлар!

Украинанинг Россия блан қайтақўшилганлигининг 300 йиллигини нишонлаб, Украина ССР пойтахти Киев шаҳрининг Ленин ордени блан мукофотланганлиги сабабли шу Ленин орденини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан топширяётганим учун хурсандман. (Давомли қарсаклар).

Бу улуғ мукофот блан шонли Киевнинг рус, украин ва белорус халқлари тарихидаги катта аҳамияти қайд қилинди.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилганлиги ҳар иккала халқ учун жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Улар бирлашиб дўст бўлиб яшаш туфайли қувватларини ортдирдилар, душманларга нисбатан қаршиликларини кучайтирдилар. Руслар блан украинлар улуғ дўст бўлиб бирлашдилар ва шу дўстликни асрлар бўйича давом этдирдилар, бу дўстлик ҳозирги кунларда чин ва бузилмас дўстликка айланди.

Бир томирдан — қадимги рус халқидан келиб чиққан рус ва украин халқларининг қардошлик алоқалари узоқ-узоқ асрларда бошланган эди.

Карпат тоғларидан тортиб Волга бўйларигача, Болтиқ денгизидан тортиб Қора денгиз бўйларигача яшаган шарқий славянларни бирлаштирган қудратли қадимги рус давлати — Киев Руси шу ерда, Днепр бўйларида ўсиб етишди. Киев шу қудратли давлатнинг бош шаҳри эди, халқ бу шаҳарни севиб унга «рус шаҳларининг онаси» деб ном берди.

Украин халқининг Украинани Россия блан қайта қўшиш учун олиб борган курашида ҳам Киевнинг роли жуда катта бўлди, чунки, Киев миллий-озодлик урушининг марказларидан бири эди.

Киев неча марталаб оғир синовларга дуч келди, лекин татарлар асорати ҳам, панлар Польшасининг зулми ҳам ва бошқа четэл босқинчиларининг зулми ҳам бу қадимги шаҳарнинг бирдамлигини ва мардлигини букаолмади — у шарқий славянлар бузилмас қудратининг символи сифатида, Днепр бўйларида улуғвор ва мағрур қаҳрамонона қал'а бўлиб тураверди. (Қарсаклар).

Киев жуда кўп сонли ҳамма душманларга қарши ҳамиша енгилмас курашчи бўлиб қолаверди. У гражданлар уруши вақтида ва гитлерчиларнинг икки йиллик оккупацияси вақтида ҳам шундай енгилмас курашчи бўлиб қолаверди.

Фашист вахшилар Киевни шу қадар ёвузларча вайрон қилдиларки, унда шу қадар даҳшатли қирғинлар қилдиларки, Киевнинг бутун тарихида шунчалик вайронлик ва қирғин бўлмаган эди.

Вайрон қилинган ва куйдириб юборилган Киев Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги ва, шубҳасиз бутун украин халқининг қаҳрамонона меҳнати туфайли ҳаробалар ва қултепалардан ўзининг баҳодирона қаддини янада кўтариб ростлаб олди. Мана бугун у янги иморатлар қурилган, хуснига янада кўпроқ хуси қўшилган ва ҳаммамизга азиз бўлган ўзининг мислсиз гўзаллиги блан яна кўз олдимизда гавдаланиб турипти.

Киев ўзининг жанговор революцион традициялари блан қадимдан машҳурдир. Революцион ҳаракат ва пролетариат партияси туғилаётган пайтлардаёқ, биринчи рус революцияси ва улуғ Октябрь кунларида самодержавиега қарши курашда, гражданлар уруши йилларида ҳам Киев меҳнаткашлари ишчилар синфи ва камбағал деҳқонларнинг улуғ идеялари учун, социализм ва коммунизм идеялари учун курашиб келган Россия революцион пролетариатининг биринчи safларида бўлдилар.

Ҳозир ҳам Киев совет украинасининг энг катта сиёсий, иқтисодий ва маданий марказидир, бутун Украина меҳнаткашлари ва улар блан бирликда бутун совет халқи Киев блан ҳақли равишда фахрланадилар. (Қарсаклар).

Депутат ўртоқлар! Мамлакатимизнинг ижодий кучлари гуллаб-яшнаб турипти. Партиямиз Марказий Комитетининг тарихий қарорларидан руҳланган совет халқи социалистик индустрияни янада ривожлантириш учун, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун ўзининг бутун кучини сарф қилиб, Совет жамиятининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмоқ учун моддий ва маданий бойликлар яратишда янги катта қадам қўймоқда.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, Совет Украинасининг шонли пойтахти бўлган Киев меҳнаткашлари, шунингдек унинг илмий муассасалари, унинг малакали коллективлари бутун совет халқининг ана шу қаҳрамонона меҳнатида муносиб ўрин оладилар.

Сиз, азиз ўртоқларни ва сизлар орқали барча киевлиларни юксак мукофот блан яна бир марта табриклашга ва халқ бахт-саодати йўлида бундан буён қиладиган ишларингизда сизларнинг ҳаммангизга янада кўпроқ муваффақиятлар тилашга ижозат этгайсиз. (Гулдурос қарсаклар).

Яшасин ва яшнасин қадимги ва абадий навқирон шаҳар — орденли Киев! (Гулдурос қарсаклар).

Ватанимиз кучи ва қудратининг манбаи — рус, украин халқлари ва СССРдаги барча халқлар ўртасидаги дўстлик омон бўлсин ва мустаҳкамлансин! (Гулдурос қарсаклар).

СССР халқлари ўртасидаги дўстликнинг ижодкори, ҳамма галабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — шавкатли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон ва шарафлар бўлсин (Гулдурос давомли қарсаклар овацияга айланади. Ҳамма ўрнидан туради).

Индонезиянинг кўзга кўринган жамоат арбоби профессор Прийонога Халқаро Сталин мукофоти топширилди

ЖАКАРТА, 30 март. (ТАСС). 29 мартда Жакартада Жакартадаги Давлат университети адабиёт факультетининг декани, тинчлик учун актив курашучи профессор Прийонога «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти тантанали суратда топширилди.

Мукофотни топшириш маросимига Индонезиянинг илғор жамоатчилик вакиллари тўпландилар. Шунингдек, СССРнинг Индонезия Республикасидаги элчиси Д. А. Жуков, Хитой Халқ Республикасининг элчиси Хуан Чжэнь ва бошқа давлатларнинг дипломатия вакиллари ҳозир бўлдилар.

Индонезия тинчлик тарафдорлари комитети раисининг ўринбосари Астровинато Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети раиси Н. С. Тихоновга сўз берди. Тихонов лауреатга мурожаат қилиб, бундай деди: «Сиз Индонезия маданиятининг энг кўзга кўринган вакилларидан бирисиз, Осиёда ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш учун отоқли курашчисиз. Шу нарса айниқса муҳимдирки, мен ажойиб, ақлли, меҳнатсевар индонез халқига унинг қадимги пойтахти, ҳозирги вақтда Индонезия халқига я'ни озод халққа қарашли бўлган Жакартада Сиз орқали совет халқининг қизғин саломини топширяоламан. Жакарта шундай илғор халқнинг пойтахтидирки, бунда барча халқларнинг тотув яшаши ва миллий мустақиллиги идеялари жуда кенг ёйилган».

Тихоновнинг нутқидан кейин халқаро Сталин мукофотлари беручи Комитетнинг профессор Прийонога мукофот бериш тўғрисидаги 1954 йил 18 декабрьдаги қарори ўқиб эшитдирилди. Н. Тихонов профессор Прийонога олтин медаль ва лауреат дипломи топширар экан, залда гулдурос ва давомли қарсаклар янграйди.

Давлат университети филология факультети хитой бўлимининг раҳбари профессор Чжан Чжу-сом, машҳур индонез шоири Риван Апин, парламентнинг Индонезия миллий партиясидан сайланган а'зоси Сутрасно хоним, Индонезия студентлар жамиятининг раиси Аугусдин, Индонезия халқ маданияти жамиятининг вакили рассом Хенк-Нгантунг, Халқ ёшлари ташкилотининг раҳбари Сукатно ва ишчилар номидан СОБСИ Миллий кенгашининг бош секретари Ньоно лауреатни қутладилар.

Профессор Прийоно ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Индонез халқи ҳали ёш, у ҳали ҳамма азоб-кулфатлардан ҳалос бўлиб етгани йўқ, ҳали колониализм ва зулм жароҳатларини даволаб бўлгани йўқ. Агар яқин келгусида индонез халқи дун'ёдаги бошқа халқлар блан бир даражага кўтарилаолса, у бахтиёр бўлади... Индонез халқи яқин келгусида даставвал ўз кучлари блан, шунингдек бутун дун'ё тўла тушунган ҳолда ва бутун ер юзида бўлган ўз дўстлари тўла тушунган ҳолда, ҳарқандай азоблардан ҳалос бўлган ва бутун инсониятнинг бахти учун кураш ишига тегишли ҳисса қўшаоладиган бахтли халқ бўлаолсин.

Профессор Прийоно ўз сўзининг охирида айтдики, Индонезиядаги тинчлик учун курашучилар бу мукофотни буюк шараф деб қадрлайдилар ва уни бутун дун'ёда адолатли тинчлик манфаати учун активроқ ишлашга чақиручи стимул деб қабул қиладилар. Совет халқига, деди у, бизларни ма'навий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги учун бизнинг ташаккуримизни билдирингиз.

Барча экиш агрегатларининг унумли ишлашига эришайлик!

ИЛҒОР УНИВЕРСАЛЧИ ВА СЕЯЛКАЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГИЗ!



Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг 8-нчи бригадасида чигитни квадрат-уялаб экиш муваффақиятли ўтказилмоқда. **Суратда:** (чапдан ўнгга) Колхозда намунали хизмат қилаётган экиш агрегатининг а'золаридан **Қ. Абразиев**, контролёр **А. Каримов**, универсалчи **М. Ғаффоров**, сеялкачи **М. Қўлдошев** ўртоқлар биркунлик иш якунини муҳокама қилмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Кунига 9—10 гектар ерга квадрат усулда чигит экиш учун курашамиз

Биз янги усулда, квадрат-уялаб чигит экиш ҳақида дастлабки ма'лумотларни эшитган вақтимизда: «Бунақа сим тортиб чигит экилса, қачон тонг отади...» деб ўйлаган эдик. Бу ҳақда МТСда назарий машғулотлар ўтказилди. Сўнгра амалий машғулотлар бўлаётган вақтда сим тортишнинг қийинлигини, квадратларни тўғрилаш учун қандай усул билан перпендикуляр чизиқ ҳосил қилиш зарурлигини кўриб, бу ишнинг анча қийин, мураккаблигини сездик. Лекин янги, прогрессив метод ҳаётий воқеа эканлигини амалда кўриб, биз беҳуда ташвишланганлигимизни сездик. Колхозчилар биз қийин деб ўйлаган «геометрия»ни пухта ўзлаштириб олдилар.

Бир кунда бир трактор блан фақат 6 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш мумкин деб белгиланганда ҳамма ташвишланган эди. Лекин тажриба бу ташвишларни ҳам улоқтириб ташлямоқда. Илгари белгиланган нормалар охирги чегара эмаслигини кўрсатмоқда. Агротехниканинг ҳамма талаб ва қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда квадрат-уялаб чигит экишни тез сур'атлар блан олиб бориш мумкин экан.

Жумладан, мен хизмат қилаётган Октябрь районидаги Сталин номли колхозда квадрат-уялаб чигит экишнинг қандай аҳволдалигини олиб кўриш мумкин. Колхозда 842 гектар ерга чигит экилиши лозим. Бу блан камқувват колхозни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, пахта ҳосилини ошириш ва таннархини камайтириш, сарф этиладиган меҳнатни иқтисод қилиш, ҳаммадан кўра колхозчиларнинг кетмон блан қиладиган ишларини енгиллаштириш имконияти туғилади. Шунинг учун колхоз правлениеси 495 гектар ерга уч хил схемада квадрат-уялаб чигит экишга, 222 гектар ерга торқаторлаб, кейин машина блан кўндалангига ягана қилиб, квадрат ҳосил қилишга қарор қилди.

Ҳозир мен шу колхознинг ўртоқ Нурмат Аҳмедов бошлиқ бригадасида чигит экётирман. Бизнинг экиш агрегатимиз а'золари квадрат-уялаб чигит экишнинг ҳамма процесслариии а'ло даражада ўзлаштириб олдилар. Марказий фиксаторда ишлаётган контролёр Абдураҳим Каримов ўз вазифасини моҳирлик блан адо этмоқда. Экиш агрегати а'золаридан Темирали Умрзоқов, Қуродбой Абдазов, Қобилжон Далибоевлар трактор ер четига етган замони симни тезлик блан кўчириб, бирнафасда регулировка қилишни ўрганиб олдилар. Улар контролёр Каримовнинг байроқчалар блан қилган ишорасини дарҳол бажарадилар. Натижада то трактор қайрилиб, чигит олгунча, сим тортиш процесси тамом бўлади. Шундай қилиб, экиш бригадаси а'золари тракторнинг бетўхтов ҳаракат қилишини та'минлямоқдалар.

Дастлабки кунларда биз бир кунда 2—3 гектар ерга аранг чигит эккан бўлсак, янги усулда ишлашни яхши ўрганиб олгач, квадрат-уялаб чигит экиш сур'ати тобора тезлашабошлади. Экиш бригадаси а'золари анча малака ҳосил қилган ҳозирги кунларда бир кунда 9—10 гектар ерга етказиб чигит экадиган бўлиб қолдик. Биз ҳозир белгиланган нормани орқада қолдириб, уни 1,5 баравардан ҳам ошириб бажармоқдамиз.

Чигит экишнинг сифатини агрономлар, колхоз раҳбарлари доим кузатиб бормоқдалар ва чигит сифатли экилганлигини тасдиқламоқдалар.

Менинг мусобақадошим тракторчи Б. Нурматов, П. Абдурайимовларнинг экиш бригадаси ҳам ҳозир чигит экишда яхши натижаларга эришмоқда. Ҳозир уларнинг кўплари бир кунда 7—8 гектарга етказиб квадрат-уялаб чигит экмоқдалар.

Янги усулда чигит экишнинг афзаллигини кўриб қувонмоқдамиз. Биз зўр ғайрат блан астойдил ишлаб, чигит экишни ўз вақтида сифатли қилиб тамомлаш учун курашмоқдамиз.

Маннон ҒАФФОРОВ,
Октябрь районидаги Пахта МТСнинг Сталин номли колхозда хизмат қилаётган универсалчиси.

Чигитни квадрат-уялаб экиш сифатли ўтказилмоқда

Бекобод районидаги Маленков номли колхоз а'золари чигит экиш кампаниясини қизитиб юборишдилар. Улар чигитни қисқа муддатда сифатли қилиб экиб олиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар.

Ўтган йили 55 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил олган Қ. Ёриев бошлиқ бригада а'золари бу йил пахта майдонини 70 гектарга етказдилар. Шу блан бирга улар пахта ҳосилини бу йил янада ошириш юзасидан янги мажбуриятларни олдилар. Социалистик мусобақа шартларига мувофиқ бу йил ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил олиниши лозим. Бунга эришмоқ учун бригадада бу йил чигит квадрат-уялаб экилмоқда. Бригада а'золари механизаторларнинг актив ёрдами блан ерни чигит экишга сифатли тайёрладилар. Аввало, ҳайдалган ерлар яхшилаб текисланди. Бунда бригаданинг З. Зулхайдарова, Ш. Эшбекова, З. Обидова каби а'золари, шунингдек, 3-нчи МТСнинг универсалчиси Ш. Эржигитовлар, айниқса маҳорат кўрсатдилар. Пухта тайёргарлик чигит экишни барвақт бошлаб юборишга имкон берди. Ҳозир универсалчи ўртоқ Ш. Эржигитов бригаданинг 40 гектар ерига чигитни квадрат-уялаб экиб берди. Экиш сифатли ўтмоқда, уялар тўғри бурчак бўлиб жойланмоқда.

Х. ОТАҚУЛОВ.

Сур'атни янада кучайтириш керак

ОҚҚЎРҒОН, (**«Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан**). Район пахтакорлари ва механизаторлари чигит экишни қисқа муддатда, юқори сифатли ўтказиш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Илгор механизаторлар агротехниканинг янги усули— чигитни квадрат-уялаб экишни пухта ўзлаштириб, дастлабки муваффақиятларга эришмоқдалар.

«Ленинобод» колхозида чигит экаётган агрегат ҳаммага намуна бўлмоқда. Универсалчи С. Абдурасулев, контролёр Абдулла Рахмонов, сеялкачи Ўктам Хожихонов ўртоқлар янги техника қоидаларига тўла риоя қилганлари ҳолда ишлаб, ҳар куни 5—6 гектар ва ундан ҳам кўпроқ ерга квадрат-уялаб чигит экаётирлар. Илғорларнинг самарали меҳнати туфайли район 31 мартгача пахта майдонининг 36,1 процентига чигит экди. Шу жумладан, чигитни квадрат-уялаб экиш плани 25,3 процент адо этилди. Барча куч чигит экишни барвақт тугаллашга сафарбар этилганидан сур'ат кун сайин ортмоқда. Ворошилов номли, Тельман номли колхозларнинг а'золари чигит экишни намунали уюштириб олдинда бормоқдалар. Район колхозларида бирнеча ўнлаб звено, бригада чигит экишни тугаллади. Улар чигитни ердан текис ундириб олиш учун майдонда социалистик мусобақасини қизитмоқдалар.

Районда чигит экиш сур'атини янада ошириб, экишни областьда биринчи бўлиб тугаллаш учун техника ҳам, куч ҳам етарли. Броқ ана шу имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланилмаётир. Сталин номли колхозда ерларни экишга тайёрлаш яхши ташкил қилинмаган. Колхоз раиси ўртоқ Парпиев: «Хали вақт эрта, шошиб экканимиз блан чигит яхши унib чиқмайди» деган зararли қайфият блан экишнинг кечикишига йўл қўймоқда. Колхозлаги 3 та трактор бригаласининг 15 та «универсал»и чигит экишга тўла қатнашмаётир. МТС дирекцияси квадрат-уялаб экиш учун трактор бригадасини ўлчов сими блан таминламаганидан, 3 «универсал» бирнеча кундан бери фойдаланилмай бекор турипти. Тельман номли ва бошқа колхозлардаги трактор бригадаларида ҳам ўлчов сими йўқлигидан 5 «универсал» экишга қатнашмаган. Молотов номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти экишни тезлатиш учун бутун куч ва имкониятларни тўла сафарбар этмаётирлар. Колхозда ҳар куни камида 50—60 гектар ерга чигит экиш имконияти бор. Лекин кунига 30— 40 гектарга етар-етмас ерга чигит экилмоқда. Навоий номли, Будённий номли, Куйбишев номли, «Красная заря» колхозларида ҳам чигит экиш сур'ати талабга мутлақо жавоб бермайди.

Мусобақадош Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси райондаги колхозларнинг иши блан танишиб, бирқатор колхозларда ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилмаганини аниқладилар. Кўпчилик колхозларда меҳнат интизоми бўш. Социалистик мусобақа кенг миқ'ёсда кучайтирилмаган. Колхозчиларнинг ҳаммаси дала ишларига тўла қатнашмайди. Ишга кеч чиқиш одат бўлиб қолган. Ворошилов номли колхознинг қир участкасида тракторчилар соат 10—11 гача чигит экмай, колхозчиларнинг келишини кутиб, қимматли вақтни бекорга ўтказадилар. Колхоз раиси ўртоқ Отабоев бу камчиликни тугатиш ўрнига «аравакаш ишга кеч чиқипти», деб бўлмаган баҳонани рўкач қилади.

Ер намини сақлаб қолиш жуда муҳим агротехника тадбиридир. Чигитни ернинг намига текис ундириб олиш ана шунга боғлиқ. Бунинг учун ҳамма ерни борона қилиб қўйиш зарур. Аммо ерни борона қилишга бепарволик блан қаралмоқда. «Ленинобод» колхозининг ўртоқ Рустамов бошлиқ бригадасида ерлар текисланмаган, мола босилмаганидан тупроқ қуриб қолган. Чигит эса ана шундай қуруқ ерга экилмоқда. Жданов номли колхозда мола босилиши керак бўлган ерлар молаланмаётир.

Айрим колхозларда чигит экиш сифатининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Охунбобоев номли колхозда шундай аҳвол тез-тез такрорланиб, туради. Бу колхозда 24 гектарли карта текисланмай чигит экилган. Сеялка бузуқ бўлганидан экилган чигит кўмилмай ер бетида қолиб кетган. Будённий номли колхозда сеялкага окучник нотўғри ўрнатилганидан эгат очмай фақат чизиб кетмоқда. Карл Маркс номли колхозда ҳам чигит ана шу хилда сифатсиз экилаётир.

Тельман номли колхоздаги агроном ўртоқ Шпот уруғларнинг аралаштириб экилишига йўл қўймоқда. Шунингдек у чигитни нотўғри дорилаш, гоммоз касалига қарши дориланган чигит сифатини бузилишига йўл қўймоқда.

Ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлиши учун жураш жуда бўш уюштирилган. Планга мувофиқ 11 миллион 900 мингдона чиринди тувакчаси тайёрланиши ва буларда ғўза кўчатлари ўстирилиши керак эди. Бунинг учун районга 34 та станок келтирилган. Сталин номли, Молотов номли колхозлардан бошқа биронта колхоз станокларни олгани йўқ ва бир туп ҳам кўчат тайёрланмаган.

Оққўрғон районида чигит экиш сур'атини янада ошириш учун барча имконият бор. Илғор механизаторларнинг ҳозирги иш намуналари бунга яққол мисол бўлаолади. Илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириб, чигитни қисқа вақт ичида экиб тугаллаш учун курашиш зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Келес массивини мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб берадиган базага айлантирайлик

Келес массивидаги чорвадорларнинг районлараро кегаши

Чорвадорларнинг иши қизғин пайт, кўзилатиш кампанияси ҳамма жойда қизғинлиқ блан бораётган шу кунларда отарларда ишлаётган чўпонлар совлиқ қўйларни яхши парвариш қилиб кўнлаб қўзи олишга эришмоқдалар. Ёш молларни, янги туғилган қўзиларни алоҳида парвариш қилмоқдалар.

Тентаксой яйловида жойлашган колхозларнинг чорвадорлари йил бўйи қилган меҳнатларининг ёркин самараларини кўрмоқдалар. Мана, Калинин районидаги Сталин номли колхоз отарларидан бири. Бу ерда бош чўпон Одихон Эшонов ўзи боқаётган 685 бош совлиқни қўзилатиши керак. У боқаётган қўйлар семиз, соғлом, янги қўзилаган совлиқлар ва эгиз туғилган қўзилар кенг ўтлоқларда яйраб юрипти. Шу отар блан қўшни жойда шу райондаги генерал Раҳихов номли колхознинг фермаси жойлашган, бу ерда ҳам қўзилатиш кампанияси уюшқоқлик блан ўтказилаётир.

МЧС жойлашган бино пинам қилиб безатилган. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорини шараф блан бажаришга чақиручи жанговор шиорлар ёзилган алвонлар ҳилпираб турипти

МЧС биносига мингдан ошиқ киши тўпланди. Улар Келес массивидаги илғор чорвадорлар, чўпонлар, ферма мудирлари, бригада бошлиқлари, ем-хашак тайёрлаш бригадаларида ишлаётган колхозчилар ва чорвачилик мутахассислари. Бу ерда Келес массивидаги 5 район — Калинин, Тошкент, Октябрь, Янгийўл ва Чиноз районларидаги чорвадорларининг районлараро кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорини амалга оширишда область чорвадорларининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари ўртоқ М. Ғуломовнинг докладини ишчанлик блан муҳокама қилдилар.

МАССИВНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

— КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми, — деди докладчи, — чарвадорлар олдига муҳим ва мас'улиятли вазифа қўйди. Яқин йиллар ичида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш 2-2,5 баравар оширилиши керак. Чорва моллари сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш блан аҳолига мўл-кўл маҳсулот етказиб беришимиз ва саноатни хомашё блан мўл та'миналашимиз зарур. Партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган бу тадбирларни амалга ошириш учун областимизда жуда катта имкониятлар бор. Буни Келес массивидаги илғор чорва фермалари ва хоналарининг филокорона меҳнат натижаларидан равшан кўриб турибмиз.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг сигирчилик фермаси ўз ишини намунали йўлга қўйган. Моллари шу яйловда боқилаётган Калинин районидаги генерал Раҳимов номли колхознинг қўйчилик фермасида (мудири ўртоқ Мирзаҳмед Усмонов) чорва қишлови яхши ўтказилди, совлиқ қўйларни алоҳида боқишга, ем-хашакнинг хилма-хил бўлишига э'тибор қилиш натижасида қўзилатиш кампанияси намунали ўтказилмоқда.

Докладчи Келес массивидаги чорва фермаларида молларни боқишда ва улардан яхши нав'ли мўл-кўл маҳсулот олишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни фактлар блан кўрсатиб берди. Колхоз фермалари ишидаги энг катта хато — мустаҳкам ем-хашак базасининг бўлмаслигидир. Бунинг устига Келес массивидаги яйловлардан фойдаланишда қат'ий тартиб ўрнатилмаган. Натижада ёш молларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилди. Она молларни парвариш қилишга яхши э'тибор берилмади.

ЎТЛОҚДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН

Доклад юзасидан қизғин муҳокама бўлди.

Сўзга чиққан чўпонлар, ферма мудирлари, чорвачилик мутахассислари ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, чорвачилик ишига раҳбарликлаги жуда кўп нуқсонларни характерли фактлар блан кўрсатиб, танқид қилдилар. Сўзга чиққан чорвадорлар яйловдан фойдаланишнинг тартибига солинмаганлигини, ўтлоқ массивларнинг районлар, колхозлар ва фермалар ўртасида тўғри тақсимлаб берилмаганлигини алоҳида та'кидладилар.

Тошкент районидаги Катанович номли колхознинг ферма мудири ўртоқ М. Инагомов ўз сўзида бундай деди:

— Келес массивидаги ўтлоқ ерларнинг тўғри тақсимланмаганлиги молларни яхши боқишга ҳалал бермоқда. Бу яйловда молларни йил бўйи ёзу-қиш боқиш учун ҳамма ресурслардан тўғри фойдаланиш керак. 150 минг гектардан ошиқ ўтлоқ ерни ҳали ҳам районлар ва колхозлар ўртасида тақсимлаб берилмаган. Бу массивда 5 район колхозларининг фермаси жойлашган. Яйловдан фойдаланишда яхши тартиб ўрнатилмаганлиги учун хашак ўриладиган майдонларда мол боқилиб, хашак тўплаш плани бажарилмаётир. Бу ишга область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва унинг раҳбарлари э'тиборсизлиқ блан қараб келмоқдалар.

Ўртоқ Инагомов яйловдан фойдаланишда, молларни парвариш қилишда қудуқларнинг жуда зарурлигини та'кидлаб, бу соҳада ҳам республика яйлов-мелиоратив трестининг ёмон ишлаётганлигини фактлар блан кўрсатиб берди.

— Ўртоқ Соколов бошлиқ бўлган бу трест, — деди ўз сўзида давом этиб Инагомов, яйловда 180 қудуқ қазиб берди. Лекин буларнинг 80 таси ишга яроқсиз. Трест ходимлари колхоз блан тузилган шартномани бажармайдилар. Бизнинг колхоз блан тузилган шартномага мувофиқ қурилиши лозим бўлган 6 қудуқ 7 йидан буён битмайди. Бу аҳволлар ўтлоқ ерларни тез-тез алмаштириб туришга сабаб бўлмаётирлар.

МАККАЖЎХОРИ ЧОРВА УЧУН ЭНГ ЯХШИ ЕМ-ХАШАКДИР

Яйловда моллариии ҳарқандай шароитда, қишловда ҳам яхши боқиш учун мустаҳкам ем-хашак базаси зарур. Келес массивида бунинг учун катта резервлар бор. Кенгашда шу масалага алоҳида э'тибор берилди.

Келес массивидаги Сирдар'ё бўйларида 4000 гектардан ошиқ ерни ўзлаштириш ва бу майдонларда маккажўхори, беда, лавлаги ва бошқа молга озуқа бўладиган экинлар етиштириш мумкин. Бу экин майдонини ўзлаштириш соҳасида область қишлоқ хўжалик бошқармаси (Молчанов, Самадов ўртоқлар), область сув хўжалиқ бўлими (бошлиги ўртоқ Полвонов) э'тибор бермаётганликлари натижасида шу вақтгача бу ерларни ўзлаштириш юзасидан қилинадиган ишлар пайсалга солинмоқда. Механизмлар кучи блан янги суғориш тармоқлари очиш, коллекторларни тартибга солиш, ерларни текислаш ишлари халигача ҳам планлаштирилмаган. Машина чорвачилик станцияси раҳбарлари (директори ўртоқ Ғ. Охунов) ҳам бу соҳада фаолиятсизлик кўрсатмоқда.

— Маккажўхори чорва учун энг яхши ем-хашакдир, — дейди генерал Раҳимов номли колхоз раиси М. Ма'муров, — шу янги ерларни ўзлаштириш блан 2000 гектарга яқин майдонга маккажўхори экиш мумкин. Лекин ҳали бу ерларнинг бирон гектари ҳайдалгани йўқ, колхозларга бўлиб ҳам берилмади. Маккажўхоридан икки марта ҳосил олиш учун экиш ишларини барвақт бошлаш керак эди, МЧС раҳбарлари маккажўхори экишни кенгайтиришга ёрдам бермаётирлар.

ЧОРВАДОРЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНСИН

Сўзга чиққан чарвадорлар область халқ маориф бўлими, область Маданият бошқармаси ва савдо ташкилотлари чорвадорларга яхши хизмат кўрсатиш учун ғамхўрлик қилмаётганликларини қаттиқ танқид қилдилар. Тошкент районидаги Каганович номли колхознинг бош чўпони Бердош Носиров жуда характерли фактлар келтирди:

— Биз яйловда бирнеча йилдан буён яшаймиз. Лекин шу давр ичида биз чорвадорлар тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилинмаётир. Область Маданият бошқармасининг ходимлари яйловимизга бирор марта келмайдилар, ўртоқ Киргизбоевни мана ҳозир кўриб турибмиз. У киши чорвадорларга тез-тез кино кўрсатиб туриш тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак. Шунингдек, область савдо ташкилотларининг раҳбарлари ҳам биз чорвадорлар учун зарур бўлган буюмларни етарли бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Чорвадорлар уларнинг яхшироқ ишлашларини, Келес массивидаги чорвадорлар ўртасида маданий-маиший хизматни яхшилашларини талаб этадилар. Шунда мол ҳам кўпаяди, гўшт ҳам мўл бўлади.

Сталин номли колхознинг бош чўпони ўртоқ О. Эшонов қўйидагиларни айтди:

— Мен 450 бош совлиқдан 500 қўзи олдим, ва уларнинг ҳаммасини омон сақлаб қолдим. Шу блан бирга бугунги кенгашдан бизнинг ҳам талабларимиз бор, чўлда мактаб қуриб берилди, бундан хурсандмиз, лекин биз турган жойдан бу мактаб 20-40 километр узоқда, болаларимиз мактабга қатнайолмай ўқишдан қолмоқда. Шу мактаб ёнида ётоқхона ташкил қилиб бериш тўғрисида кўп ва'да эшитдик. Мактабнинг катталари ва районимизнинг раҳбарлари ўз ва'даларини бажармай келадилар.

Сўзга чиққан чўпон Асилбеков (Чиноз районидан) Хасанбоев (Янги йўл районидан) ва бошқа ўртоқлар ҳам чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида жуда кўп нуқсонлар мавжудлигини айтдилар. Айниқса савдо тармоқлари фермада ишловчиларнинг талабларини ҳисобга олмайдилар. Яйловда ишлаш ва яшаш учун зарур бўлган рўзғор буюмлари ўз вақтида етказиб берилмайди. Керосин, лампа шиша, фонарь, челак, самовар топиш учун узоқ масофадан шаҳарга қатнашга мажбур бўлинади. Область матлубот союзи ва савдо бўлими раҳбарлари бу талабларга бефарқ қараб келмоқдалар.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ЎРИНЛИ ТАЛАБЛАРИ ҚАЧОН БАЖАРИЛАДИ

Келес массивида, Тентаксойда ҳам, Бўзайда ҳам сув масаласи проблемадир. Бу ерда яшовчилар 35—45 километр узоқликдан сувни ташиб ичадилар. Бу иш учун анчагина транспорт воситалари ва одам кучи банд қилиб қўйилган. Яйловда артизан қудуғи қуриш блан сувнинг етарли бўлишига эришиш мумкин. Бу масаланинг шу вақтгача ҳал қилинмаганлигига республика яйлов-мелиоратив трестининг раҳбарлари айбдорлирлар. Молларни суғоралиган қудуқлар қазишдаги чатоқликлар артизан қуқуқ барпо қилишда ҳам рўй бермоқда. Кенгаш қатнашчилари бу трестнинг бошқаручиси ўртоқ Соколовнинг нутқидан мутлақо қаноатланмадилар. Ўртоқ Соколов қилинган танқидларга тан берди-ю, аммо бу хатоларни тузатиш тўғрисида дурустроқ ҳеч гап айтмади. У хатоларимизни тузатамиз, қудуқларни қайта қазиб кўрамиз, яхши сув чиқиб қолса ихтиёр деб қўяқолди. Трест бошқаручисининг бу гапини кенгаш қаттиқ қоралаш ва чорвадорларнинг ўринли талабларини тўла бажариш зарурлигини уқтирди.

Кенгашда область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Хошимов ва машина чорвачилик станциясининг бош зоотехниги Ғуломов ўртоқлар ҳам сўзга чиқиллар. Лекин улар: «хатоларни тузатамиз, медицина хизматини яхши йўлга қўямиз» деб минбардан тушиб кетабердилар.

Вақоланки, яйловда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган. Битта касалхона очилган бўлса ҳам, у талабга жавоб бермайди. Медпунктларда малакали врачлар йўқ, узоқ отарларда ишлаётган чўпонларга медицина ёрдами бериш йўлга қўйилмаган.

МЧС бош зоотехниги ўртоқ Ғуломов чорвачиликда қўл меҳнатини енгиллаштириш, машиналардан унумли фойдаланиш, пичан ўришни ва ем-хашак жамғаришни яхшилашда МЧС нинг ёмон ишлаётганлигини хас-пўшлашга уринди. МЧС да доимий ишловчи механизатор кадрлар етишмайди, лекин кадрлар тайёрлаш ва уларга яхши шароит яратиб бериш иши блан ҳеч ким шуғулламайди.

Кенгашда сўзлаган ўртоқлар чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг қоникарсиз олиб борилаётганлигини, айниқса чорвачиликни ривожлантириш юзасидан партия ва ҳукуматимизнинг кўраётган катта тадбирлари, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарори чорвадорлар ўртасида кенг пропаганда қилинмаётганлигини алоҳида та'кидладилар.

Кенгашда область партия комитетининг секретари ўртоқ О. Алимов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари Келес массивидаги яйловдан фойдаланишни яхшилаш блан чорва моллариии кўпайтириш ва мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан бир қатор муҳим тадбирлар белгиладилар ва ўз устларига янги мажбуриятлар олдилар.

Т. ОРИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Келес массивидаги яйловларда кўзилатиш кампанияси қизғин бораётир. **Суратда** (чапдан): 1. Учётчик **П. Исматов**, ферма мудири **С. Убайдуллаев** ва чўпон **Х. Ормонов** ўртоқлар (Калинин районидаги Сталин номли колхозданг) янги туғилган қўзига номер тақмоқдалар. Келес массивида бўлган чорвадорларнинг районлараро кенгаши қатнашчиларидан бир группаси (чапдан ўнга): **А. Жуманов** (Охунбобоев номли колхозда), **Э. Алдшеразов** (Молотов номли колхозда), **К. Эшимбетов** (генерал Раҳимов номли колхозда), **А. Умурзоқов** (Будённий номли колхозда) ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

УЛАР ТЕМИРЙЎЛЧИ БЎЛАДИЛАР



Тошкентдаги 1-нчи сон Темирйўлчилар мактабида шу йил 1 апрельдан давлат имтиҳонлари бошланди. Суратда (чапдан): ўқучилардан А. Лазарев, Ж. Неков ва Н. Бахтуридзелар тепловоз кабинетида имтиҳонларга тайёрланмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Кимдир хона эшигини оҳиста чертди. Шу пайт ичкаридан «киринг» деган овоз эшитилади. Яхши кийинган, баланд бўйли ва қаддиқомати келишган ёш йигит хонага кириб келди.

— Мен темир йўл мактабита ўқишга киришни истайман,— деди

— Жуда соз,— деди директор ўринбосари Михаил Зиновьевич Драпкин йигитчани самимий қарши олар экан,— ким бўласиз ва қаердансиз?

— Исмим — Георгий, фамилиям — Резник, — таниши ўзини йигитча.

— Ариза ва характеристикангиз борми?

Георгий, Ленин районидаги 94-нчи мактабнинг 7-нчи синфини тамомлаган вақтида олган характеристикасини узатди. Характеристикада: «Г. Резник жуда қобилиятли, тўғри сўз ўқучи. Спортга қизиқади, кўп ўқийди. Ўртоқлари ўртасида обрўга эга. Яхши ташкилотчи».

Георгий ўрта мактабда ўқир экан, синф комсоргги бўлиб ишлади, деворий газетага редакторлик қилди, ҳамавақт пионер ташкилотига ёрдам бериб турди, мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагида актив қатнашди, шу блан бирга яхши ва а'ло баҳолар блан ўқиди. Олган баҳолари унинг 7-нчи синфни тамомлаганлик ҳақидаги шаҳодатномасида қайд этилган эди.

— Характеристикага қараганда, сен спортга жуда қизиқар экансан,— деди Георгийни синамоқ мақсадида Михаил Зиновьевич ва ундан кўз узмай сўзида давом этди,—демак, физкультура техникумига кирсанг ҳам бўлади.

— Тўғри, мен спортни севаман. Бироқ бу менга тепловоз машинистининг ёрдамчиси бўлишим учун ёрдам беради.

— Жуда ўринли ва ҳаққоний жавоб.

Шундан сўнг Михаил Зиновьевич Георгий Резникнинг аризасини қабул қилиб, папкага солиб қўйди. Бу папкада фақат биргина эмас, балки Ўзбекистон Меҳнат резервлари бошқармасининг Тошкент 1-нчи Темир йўл мактабига ўқишга кириш ва ҳунар ўрганиш истагини билдириб келган ўнларча ёшларнинг аризалари бор.

Бу мактабда тепловоз машинистларининг ёрдамчилари ва тепловоз ремонти слесарьлари тайёрлаш бўйича очилган янги группаларга қўшимча қабул бормоқда. Бу группаларга 7—10 синф ҳажмида ма'лумоти бўлган 16—17 ёшли ёшлар қабул қилинмоқда.

Ариза берганлар орасида Фрунзе районидаги 24-нчи ишчи-ёшлар мактабининг 8-нчи синфини тамомлаган В. Э. Бадалов, Каганович номли паровоз-ватон ремонт заводи ишчисининг ўғли В. Р. Шигит, шунингдек Т. Ҳасанов, Ҳ. Юсупов каби темирйўлчи бўлишни орзу қилган ёшлар кўп.

Темир йўл мактабига кириш истагини билдириб, ариза блан мурожаат қилаётганларнинг сони кун сайин кўпаймоқда.

А. РЯБЦЕВ.

Янги совет-колхоз бозори

Чирчиқ шаҳрида янги совет-колхоз бозори очилди. Бозор территорияси 1300 квадрат метрдан иборат бўлиб, унда 14 та сабзавот ва мева дўкони, гўшт сотиладиган 4 та дўкон, қўлда сотиш учун 6 та павильон, камера хранения, холодильник ва бошқа бинолар бор. Бозор саҳнининг 800 квадрат метрига асфальт ётқизилди, бетонизация қилинди, 120 юна дарахт кўчати ўтқазилди.

Биринчи куннёқ бозорда 30 тонна картошка, 3 тонна гўшт, бирярим минг литр сут, 10 тонна галла, 4 тонна мева ва бошқа маҳсулотлар сотилди.

Оржоникидзе районидаги Сталин номли, Пушкин номли, «Москва» ҳамда «Қизил Ўзбекистон» колхозлари ўз дўконларида бирнеча минг сўмлик турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотилар. 10 та колхоз дўкони, Чирчиқторгнинг 4 та дўкони чиройли қилиб ишланган павильонларда жойлашганлар.

Янги совет-колхоз бозори областьнинг Оржоникидзе, Қорасув ва Тошкент қишлоқ районларидаги колхозлар блан шартнома тузди. Бу йил яна 2 та гўшт дўкони ва 6 та сабзавот-мева дўкони очилиб, 16 колхоз дўконларида 10 миллион сўмлик турли сабзавот ва мева ҳамда гўшт маҳсулотлари сотилиши мўлжалланмоқда.

Колхоз бозорида йил охиригача 2 та озиқ-овқат магазини, 4 та саноат моллари магазини, 2 гўшт дўкони, ошхона, 2 та чойхона, колхозчилар уйи ва бошқа дўкон ҳамда ларёклар қурилади, 100 та кўчат ўтқазилади, гулзор қилинади.

Совет-колхоз бозорининг умумий қурилиши учун 2 миллион 600 минг сўм маблағ ажратилган. Шундан энди 750 минг сўми фойдаланилди. Йил охиригача бозорнинг қолган қисми ҳам битказилиб, ишга туширилади ва унинг савдо-сотиқ қўлами бирмунча кенгайтирилади.

Колхоз бозорига жанубий Қозоғистоннинг Бўстондиқ районининг колхозлари ҳам турли маҳсулотлар келтириб сотмоқдалар.

Т. УРИНОВ.

Ишчиларнинг полизлари

Бекободдаги цемент заводининг ишчилари ҳар йили полизчилик ишлари блан ҳам шуғулланиб келмоқдалар.

Сирдар'ё ёқасидаги 30 гектар ер полиз экинлари учун ажратилган. Ҳозирги кунда бу ер тракторлар блан яхшилаб ҳайдаб қўйилди.

Завод ишчиларидан 300 га яқин киши полизчилик блан шуғулланмоқда. Булар орасида транспорт цехининг машинисти Маҳкамов, стрелкачи Фозилов, слесарь Дуплишев, электр станциясининг машинистлари Мун Сен-ун, Тертишников ва бошқа ўртоқлар бор. Улар полиз майдонида картошка, бодринг, помидор, редиска, сабзи ва бошқа сабзавот маҳсулотларини етиштирадилар.

Маккажўхори етиштиришга катта аҳамият берилади. Чунки маккажўхоридан ишчилар ўзларининг уй паррандалари ва моллари учун яхши озуқа сифатида фойдаланадилар.

Завод ишчиси ўртоқ Э. Ҳудойбердиев полизчилик агрономи бўлиб ишламоқда. Ишчилар ҳар йили ўз полизларидан мўл ҳосил олишга эришмоқдалар.

А. ПАВЛЕНКО.

Қишлоқ меҳнаткашлари учун лекциялар

Сўнгги вақтларда сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи жамиятнинг область бўлими колхозчилар, механизаторлар ҳамда совхоз ишчилари ўртасида лекция процагандасини бирмунча яхшилади.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг юлаб колхозчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси, профессор С. Умаров томонидан ўқилган «Атом энергияси ва ундан халқ хўжалигида фойдаланиш» темасидаги лекцияни зўр қизиқиш блан тингладилар.

Верхне-волинск районидаги бирқатор колхозларда Союз НИХИ аспиранти Х. Йўлдошев чигитни квадрат-уялаб экиш техникаси тўғрисида лекциялар ўқиди. Техника фанлари кандидати П. Спиридонов Октябрь районидаги колхозларда пахтачиликда комплекс механизацияни қўлланиш ҳақида бирнеча лекциялар ўқиди.

Болалар китоби ҳафталиги

26 мартда кундузи Свердлов номли концерт залига Тошкент шаҳар мактабларининг энг яхши ўқучилари йиғилдилар. Улар бу ерга болалар китоб ҳафталиги байрамига келдилар.

Зал кўркам безатилган. Фойеда совет ёзучиларининг болаларга атаб ёзган асарлари виставкаси очилган.

Болаларнинг қўлларида китоблар. Улар жуда хурсанд.

Байрамнинг тантанали қисми бошланди. Касаба союзлари Ўзбекистон Советининг секретари ўртоқ Парамошкин ёш китобхонларни табриклаб нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитучи ўртоқ Е. Н. Пасюченконинг сўзларини ўқучилар а'тибор блан тингладилар.

Тошкент мактабларининг ўқучиларидан Д. Ғуломова, Д. Каримова (76-нчи мактаб) китоблардан олган таассуротларини сўзлаб бердилар.

Болалар шоирлари—Қудус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, ва Шукур Са'дулла ўртоқлар байрам қатнашчиларига янги ше'рларидан ўқиб бердилар.

Ўзбекистон Давлат филармонияси артистлари байрам қатнашчиларига катта концерт қўйиб бердилар.

Болалар китоби ҳафталиги байрамига 1200 ўқучи ва ўқитучилар, пионер ва комсомол ташкилотларининг ходимлари қатнашдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТИРАНАГА КЕЛДИ

ТИРАНА, 31 март. (ТАСС). Албания Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумининг таклифига биноан, Халқ мажлиси иккинчи сессиясининг ишида қатнашмоқ учун СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси М. П. Тарасов, (делегация раҳбари) ва СССР Олий Совети депутатлари Т. И. Архипова ва М. М. Алиев составида СССР Олий Совети делегацияси бугун Тиранага келди.

СССР ва Албания Халқ Республикаси давлат байроқлари блан безатилган Тирана аэродромида делегацияни Албания меҳнат партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Анвар Хўжа, Халқ мажлиси президиумининг раиси Хожи Леши Министрлар советининг раиси Мемет Шеху, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари Хюсни Капо, Гого Нуши, Бекир Балуку, Лири Белишова, Халқ мажлиси президиуми раисининг ўринбосарлари Пило Перистери ва Муслим Пеза, ташқи ишлар министри Бехар Штюла, Халқ мажлиси президиумининг секретари Сами Бахолли, Халқ мажлиси президиумининг а'золари, ҳукумат а'золари, Халқ мажалисининг депутатлари, оммавий ташкилотларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Делегацияни СССРнинг Албаниядаги элчиси К. Д. Левичкин, совет элчихонасининг мас'ул ходимлари, Тиранадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам кутиб олдилар.

Кутиб олиш вақтида фахрий қоравул қўйилган эди. Оркестр Совет Иттифоқи ва Албания Халқ Республикаси давлат гимнларини ижро этди. Пило Перистери делегацияни табриклаб нутқ сўзлади. М. П. Тарасов жавоб нутқи сўзлади. У, делегация ва бутун совет халқи номидан албан халқига қизғин салом топширди, янги, бахтли ҳаёт қуришда албан халқига янада муваффақиятлар тилади ва совет ҳамда албан халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик шарафига табрик сўзлари айтди.

Албания Халқ мажлисининг иккинчи сессияси очилди

ТИРАНА, 31 март. (ТАСС). Бугун Тиранада Албания Халқ Республикаси Халқ мажлисининг иккинчи сессияси очилди. Сессия мажлисида Албания меҳнат партиясининг биринчи секретари Анвар Хўжа, Министрлар советининг раиси Меҳмет Шеху, Халқ мажлиси президиумининг раиси Хожи Леши ва меҳнат партияси ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари, шунингдек СССР Олий Совети президиуми раисининг ўринбосари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси М. П. Тарасов бошчилигида СССР Олий Советининг делегацияси ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида СССРнинг Албаниядаги элчиси К. Д. Левичкин ва Тиранадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Сессия кун тартибида—Албания Халқ Республикаси ҳукуматининг ташқи сиёсати ҳақидаги, 1955 йилги давлат бюджети проекти ҳақидаги масалалар ва бошқа масалалар бор.

Польша меҳнаткашларининг Майолди мажбуриятлари

ВАРШАВА, 31 март. (ТАСС). Халқ-демократик Польша металлургларги ва кончилари, машинасозлари ва тўқимачилари, бошқа саноат тармоқларининг ишчилари меҳнаткашларнинг халқаро байрами—1 Май шарафига социалистик мусобақани кенгайтирмоқдалар.

Майолди мусобақасининг ташаббусчилари—Костюшко номли завод металлургларидан ва Сталин номли шахта кончиларидан намуна олиб «Бобрек», «Баторий», «Единость», Дзержинский номли, «1- Май», «Флориан» металлургия заводларининг, шунингдек Болеслав Берут номли комбинатнинг коллективлари 1 Май шарафига мажбуриятлар олдилар.

Ленин номли металлургия комбинатининг домначилари апрель ойида пландан ташқари 1.000 тонна чўян эритиш мажбуриятини олдилар.

Силезиядаги ўнларча кўмир шахталари майолди мусобақасига қўшилиб, қўшимча мажбуриятлар олдилар. «Янина» шахтасининг кончилари мамлакатнинг кўмир саноатида биринчи бўлиб квартал планини муддатидан бирнеча кун илгари бажардилар ва шу ярим йилнинг охиригача тоғ-шириқдан ташқари 15 минг тонна кўмир бериш мажбуриятини олдилар.

Миср-Исроил ва Исроил-Иордания чегараларида янги можаролар

НЬЮ-ЙОРК, 31 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Газа шаҳридан берган хабарига қараганда, кеча яраш битимида кўрсатилган линия яқинида Исроил қўшинлари блан бўлган отишма вақтида мисрли бир солдат яралор бўлган. Отишма 90 минут давом этган.

Мухбирнинг Миср армияси вакилларига асосланиб хабар қилишича, Исроил патрули Миср зонасининг ичкарисига 200 метр ўтган.

Миср яраш юзасидан тузилган аралаш комиссияга шикоят қилган.

НЬЮ-ЙОРК, 31 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг хабарига қараганда, Иорданиядаги расмий шахслар Исроил қуролли кучлари 30 мартда Иордания чегара қишлоғини миноометлардан ўққа тутганлар.

Жаҳон касаба союзлари Федерациясининг бутун дун'ё меҳнаткашларига Мурожаати

ВЕНА, 31 март. (ТАСС). Жаҳон касаба союзлари федерацияси бутун дун'ё меҳнаткашларига қарата қуйидаги Мурожаатни э'лон қилди:

Меҳнаткаш эркаклар ва хотин-қизлар! 1 Май муносабати блан Жаҳон касаба союзлари федерацияси сизларга ўзининг қизғин қардошлик саломини ва энг яхши пожаларини йўллайди.

Кейинги йилларда сизлар мардларча кураш олиб бордингиз ва ҳозирги вақтда ҳам шу курашни олиб бораётирсиз; сизларнинг олдингизда яхши ҳаёт учун, озодлик ва тинчлик учун бўладиган янги жанглар турипти.

Сизларнинг тирикчилик ва иш ҳақидаги ташвишингизга ва бу йўлда ҳам ейишингизга эндиликда тинчлик учун бўлган ташвиш қўшилди. тинчлик хавф остида қолди.

Йирик монополиялар ва улар хизматидаги ҳукуматлар, империализм ва колониализмнинг агентлари ҳозирги вақтда очиқдан-очиқ иш кўраётирлар. Бу —фақат дўқ қилиш бўлибгина қолмай, балки эксплуатация тамомила йўқ қилинган, меҳнаткашлар ўз тақдирининг ва ўз истиқболининг эгаси бўлиб қолган мамлакатларга қарши агрессив атом урушини зўр бериб тайёрлашга ҳам айланиб кетди.

Кишининг меҳнати блан, унинг қўл кучи ва ақл-идроки блан яратилган ҳаёт учун зарур бўлган кўпгина моддий бойликлар, асрлар бўйи бун'ёдга келтирилган кўпгина нарсалар вайрон қилиниши мумкин. Миллион-миллион кишилар қирилиб кетиши мумкин. Ана шунинг учун кенг меҳнаткашлар оммаси ҳозирги вақтда бундай хавфнинг бевосита айбдорларига қарши ва уларнинг жиноий сиёсатига қарши янада қат'ият блан ва жипслашган ҳолда чиқишлари лозим.

Меҳнаткаш эркаклар ва хотин-қизлар! Атом уруши тайёрланишига қарши, Ғарбий Германиянинг ремилитаризация қилинишига қарши, Америка империализмининг Европадаги ва Осиёдаги ҳарбий провокацияларига қарши меҳнат ва прогресс кучларининг бирлашган ва енгилмас фронтини тузингиз!

Биз ҳамма фойдали ва гўзал-ажойиб нарсани, сиз меҳнат аҳллари яратган ҳамма нарсани уруш хавфидан ҳимоя қилаоламиз ва қилмоғимиз лозим.

Бутун дун'ё меҳнаткашларининг ирода ва ҳаракат бирлиги, бизнинг бузилмас бирдамлигимиз-атом ва водород бомбаларидан кучлироқдир, уруш оловини ёқучиларнинг ҳамма кирликорларидан кўра, кучлироқдир. 1 Май кунида дун'ёнинг ҳамма шаҳарларида миллион-миллион меҳнаткашларнинг қат'ий огоҳлантириши жаранглаб эшитилсин.

Яхши турмуш шароити ва яхши меҳнат шароити учун, касаба союз ҳуқуқлари хартияси принципларининг амалга оширилиши учун, озодлик учун ва халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик учун кураш ана шу буюк халқаро бирдамлик ва қардошлик куннинг шиори бўлишига эришингиз! Яшасин 1 Май!

Яшасин барча меҳнаткашларнинг бирдамлиги ва бирлиги! Яшасин тинчлик!

Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси

Вена, 1955 йил 31 март.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ЮЗАСИДАН БЎЛАДИГАН ОСИЁ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАТНАШУЧИ СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ

Плгари хабар берилганидек, апрель ойининг бошларида Деҳлида (Ҳиндистон) халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш юзасидан Осиё конференцияси бўлади. Конференцияда Осиёдаги ўнуч давлат жамоатчилигининг вакиллари, шу жумладан Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Япония, Индонезия, Бирма ва бошқа мамлакатлар жамоатчилигининг вакиллари қатнашади деб кутилади.

Мазкур конференция чақирилажаги муносабати блан СССРда тузилган тайёргарлик комитети конференциянинг ишида қатнашиш учун ёзучи Н. С. Тихонов бошчилигида делегация юборишга қарор қилди. Делегация составига ёзучилардан А. Е. Корнейчук, В. Л. Василевская ва И. Г. Эренбург. Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров, «Огонек» журналининг бош редактори А. В. Софронов, профессор Н. У. Базанова (Қозоғистон), шоир М. Турсунзода (Тожикистон), Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диния назорати президиумининг а'зоси Зиёвутдин Бобохонов, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти И. К. Охунбоев, Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси Ж. Хўжаев ва совет жамоатчилигининг бошқа вакиллари бор.

31 мартда совет делегатларининг бир қисми Москвадан самолётда Деҳлига учиб кетди. (ТАСС).

ПОЛЬША МЕҲНАТКАШЛАРИ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ВА ҚАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЧАҚИРИЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ВАРШАВА, 31 март. (ТАСС). Польша саноат корхоналарининг ишчилари коллективлари ва касаба союз ташкилотлари герман милитаризмининг тикланишига қарши, ишчиларнинг турмуш шароитларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, фаровонлик учун, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик учун курашиш юзасидан Европа мамлакатлари меҳнаткашларининг ва касаба союзларининг вакиллари конференциясини чақириш ҳақидаги мурожаатни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Кончилар, металлургларг, тўқимачилар ва меҳнаткашларнинг бошқа категориялари тайёргарлик кўручи комитет номига жуда кўп мактублар юборибг, бу мактубларда конференция чақириш ҳақидаги мурожаатни ма'қуллаямоқдалар.

Биз, химия комбинатининг ишчилари ва Освенцим аҳолиси, деб ёзади ўз мактубида Освенцим химия комбинатининг коллективи, сизнинг чақирғингизни табриклаймиз, чунки биз Освенцим газ камераларида миллионларча кишиларнинг қирилганлигини ўз кўзимиз блан кўрган гувоҳларимиз. Биз ана шу жиноятларни ўз кўзимиз блан кўрган гувоҳар сифатида ва Освенцимнинг собиқ махбуслари бўлишимиз сифатида жим турااолмаймиз, я'ни империалистлар герман милитаризмини тиклашга ва унинг қўлига атом қуроли беришга интилаётган пайтда жим турااолмаймиз. Биз барча меҳнаткашлар блан биргаликда ҳаракат қилиб, тинчлик учун янада активроқ курашамиз.

Варшавадаги «Жерань» теплоэлектроцентрали касаба союзининг кенгаши ўз мактубида бундай деб ёзади:

Биз бутун ишчилар синфи блан, яхши ниятли барча кишилар блан биргаликда тинчлик учун ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашамиз. Биз чуқур ишонамизки, меҳнаткашлар ва касаба союзлари вакилларининг Европа конференцияси, я'ни Париж битимларига қарши ва герман милитаризмининг тикланишига қарши чақириладиган конференция бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда Европа ишчилар синфининг бирлигини мустаҳкамлашга янада кўпроқ ёрдам беради.

Вроцлавдаги «Пафаваг» заводи, «Меховице» электростанцияси, Петроковдаги тўқимачилик комбинати ва Польша Халқ Республикасидаги бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам мурожаатни қўллаб-қувватлаганликлари тўғрисида тайёргарлик комитетга номига мактуб юбордилар.

СОВЕТ МАКТАБИ ЎҚУЧИСИНИНГ БЕРЛИНДАГИ АМЕРИКА СЕКТОРИДА УШЛАБ ҚОЛИНИШИ

БЕРЛИН, 31 март. (ТАСС). 18 мартда Берлиндаги совет мактабининг 16 яшар ўқучиси Валерий Лисиков Шарқий Берлинда ғойиб бўлиб қолди. Бу бола ғойиб бўлганидан беш кун ўтгач Берлиндаги америка секторининг коменданти совет ма'мурларига Валерий Лисиков америка ма'мурларидан ўзига гўё «сиёсий бошпана» берилишини сўраганлигини билдирди. СССРнинг Германиядаги Олий Комиссари Г. М. Пушкининг болани ўз ота-оналарига қайтариб бериш ҳақидаги талабига жавобан америка ма'мурлари болани қайтариб беришдан бош тортдилар ва америка секторида Лисиковнинг қонунга хилоф суратда ушлаб турилишини унинг Ғарбий Берлинга «ўз ихтиёри блан ўтиши» деган ма'нода изоҳлашга урindилар.

Совет ма'мурларининг талабига мувофиқ, Берлиндаги америка секторида Лисиковнинг ота-онаси ўз ўғли Валерий блан учрашдилар. Учрашиш вақтида америка ҳарбий ма'мурларининг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар. Учрашиш вақтида америкали амалдор «бошпана» беришни сўраб Валерий Лисиков номидан тўқилган аризани ўқиб берди ва америкалилар томонидан кўркитилган боланинг ана шу аризани тасдиқлашини талаб этди. Аммо, Валерий Лисиков ўз олдида ўқиб берилган аризани тасдиқламади ва уйига қайтиб боришини истаганлигини билдирди. Лекин шунга қарамай, Лисиков ўз ота-онасига қайтариб берилмади.

30 мартда СССРнинг Германиядаги Олий Комиссари Г. М. Пушкин АҚШнинг Германиядаги Олий комиссари Б. Конэнтга иккинчи мактуб юборди. Бу мактубда америка ма'мурлари балоғатга етмаган ўқучи Лисиковни ўз оиласи ва Ватанидан жудо қилиш мақсадида уни бунга очиқдан-очиқ мажбур қилганликлари айтилган. Мактубда яна бундай дейилади: «Германиядаги америка ма'мурлари ҳарқанча уриниб кўрганларида ҳам, бу воқиада ғап балоғатга етмаган боланинг — совет мактаби ўқучисининг ўғирланганлиги ҳақида бораётганлигини жамоатчиликдан яшираолмайдилар».

СССРнинг Германиядаги Олий Комиссари мазкур Валерий Лисиковнинг ўз ота-онасига дарҳол қайтариб берилишини яна талаб қилди.

Англия ташқи ишлар министрлиги вакилининг баёноти

ЛОНДОН, 31 март. (ТАСС). Рейтер агентлигининг билдиришича, Англия ташқи ишлар министрлигининг вакили Англиянинг Туркия-Ироқ пактида иштирок қилиши тўғрисида кеча э'лон қилинган қарорни шарҳлаб, бундай деган: «Қўшма Штатлар «бу пактга яқин орада қўшилиши мумкин».

ОДДИЙ АМЕРИКАЛИЛАР ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯНИНГ ҚУРОЛЛАНТИРИЛИШИГА ҚАРШИ ЧИҚМОҚДАЛАР

АҚШ сенати ташқи ишлар комиссиясида

ВАШИНГТОН, 31 март. (ТАСС). Сенат ташқи ишлар комиссияси Париж битимларини муҳокама қилишни давом этдирмоқда. Америка халқининг турли табақаларидан вакил бўлган делегациялар комиссияга келмоқда.

Комиссиянинг кечаги мажлисида Америка ишчи партиясининг, Нью-Жерси штати прогрессив партиясининг, «Тинчлик учун курашучи америкали ветеранлар» ташкилотининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қат'ий равишда қарши чиқдилар ва буюк давлатлар кенгашининг ўтказилишини қаттик ёқлаб чиқдилар.

Уруш ветеранлари, деди «Тинчлик учун курашучи америкали ветеранлар» ташкилотининг вакили Поль Грин, қуролланган Ғарбий Германия тинчликка жиддий хавф туғдиради деб ҳисоблайдилар.

«Герман фашистларидан зарар кўрган киши бўлган бизлар, — деди Грин,— герман нацизмининг тикланишини қўллаб-қувватлашимиз ва бунга ёрдам беришимиз керакми? Ғарбий Германиянинг ҳозирги раҳбарлари герман нацизмини тиклашга киришаётирлар. Герман нацизми ҳали яқиндагина герман халқи бошига халокат келтирган ва кишиларнинг, шу жумладан америкалиларнинг ҳам кўплаб қириليб кетишига сабаб бўлган эди. Биз Германиянинг қуролланишига сигнал берганимизлан кейин бундай қуролланиш устидан ҳеч-қандай та'сирли контроль ўрнатиш мумкин бўлмай қолади. Бундай қуролланиш жуда хавфли бўлур эди. Тарих — жуда яхши устоздир. Гитлер ҳам Германияни бирлаштириш блан қаноат қилажагини айтган эди, лекин герман милитаризмининг очкўзлиги иккинчи жаҳон урушига ва 30 миллион кишининг халок бўлишига олиб келди. Бизнинг ихтиёримизда тўла далиллар борки, Ғарбий Германиянинг ҳозирги раҳбарлари, я'ни Гитлернинг ёрдамчилари бўлган кишилар, агар инсоний туғилса, Гитлердан қолишмаяжаклар».

Грин жанжалли халқаро масалаларни тинч йўл блан ҳал этиш учун буюк давлатлар кенгашининг чақирилишини ёқлаб гапирди.

Америка ишчи партиясининг Нью-Йоркдаги мас'ул секретари Моррис Голдин Париж битимларига қарши чиқаётганлигини айтди, чунки бу битимлар, деди у, «мамлакатимизнинг манфаатларига тўғри келмайди ва халқаро кескинликни камайтиришга олиб келмайди, балки тинчликка катта хавф туғдиради».

Собиқ сенатор Стэнли Новак ўз баёнотида комиссияни «тўрт давлат кенгашини чақиришга» да'ват қилди.

Нью-Жерси штати прогрессив партиясининг раиси Жеймс Имбри Совет Иттифоқи блан тезроқ музокаралар ўтказишни талаб қилди.

Эронда оппозициячи арбоблар қувғин қилинмоқда

ТЕҲРОН, 31 март. (ТАСС). «Посте Теҳран» газетасининг билдиришига қараганда, ҳарбий судлар томонидан ҳукм қилинган офицерлар ва бошқа сиёсий маҳбусларнинг бир группаси Эрон кўрфазидаги Харг оролига юборилади. Бу оролнинг иқлим шароити жуда оғирдир.

Газета бундай деб ёзади: ҳозирги вақтда Харг оролида ишлари судлар томонидан ҳали кўрилмаган 120 киши бор.

БИЛДИРИШ

4 апрель кеч соат 7 да Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйи (1 Май, уй № 20) да «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларининг шу йилги 1, 2, 3-нчи сонларида босилган бадиий, публицистик ва танқидий асарлар муҳокамаси бўлади.

Қизиққан ўртоқларнинг иштирок этишлари сўралади.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да кундуз **Момақалдироқ**, кечқурун **Юрак сирлари**, 3/IV да кечқурун **Момақалдироқ**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун: 1) **Оқ ёл**, 2) **Денгиз овчиси**.

НАВОИЙ номли кинотеатрда — кундуз ва кечқурун: 1) **Оқ ёл**, 2) **Денгиз овчиси**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун: 1). **Оқ ёл**, 2). **Денгиз овчиси**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб **Мультипликацион фильмлар тўплами**, кундуз ва кечқурун **Денгиз овчиси**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун: 1) **Оқ ёл**, 2) **Денгиз овчиси**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 ва кеч 6 да венгер фильми **Ғалати ниқоҳ**, қолган сеансларда: 1) **Оқ ёл**, 2) **Денгиз овчиси**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун: 1) **Оқ ёл**, 2) **Денгиз овчиси**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун
РСФСРда хизмат кўрсатган артист
М. Н. Туганов раҳбарлигида
«ДОНДА» АТТРАКЦИОНИ
(чавандозлик-спорт тамошалари)
3 бўлимда янги программа.
Мактабларнинг каникул кунларида — 4 апрельгача
КУНДУЗГИ ТАМОШАЛАР
Тамошалар кундуз соат 1 ва кеч 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 02293. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1404